

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

**«Енгил саноат технологияси»
факултети**

**«Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва
технологияси» кафедраси**

Ҳимояга рухсат этилди
Факултет декани
_____ У. Мелибоев
«___»_____ 2015 йил

5320900-«Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва
технологияси» йўналиши бўйича битирувчи

ХОМИДЖОНОВ АБРОРЖОН ОЛИМЖОН ЎҒЛИнинг

"Мактаб ёшидаги ўғил болалар қўнжсиз ботинкаси конструкциясини куриш
ва технологиясини ишлаб чиқиш" мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКА ИШИ

Битирувчи: Хомиджонов Аброржон Олимжон ўғли _____
(имзо)

Илмий раҳбар: Рахимов Мансуржон _____
(имзо)

Кафедра мудири: Эргашев Жамолiddин Саматович _____
(имзо)

Наманган - 2015 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ

«Енгил саноат технологияси»
факултети

Кафедра мудири, доцент
_____ **Ж.С.Эргашев**

«_____» _____ 2015 й.

5320900-«Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва
технологияси» йўналиши бўйича битирувчи

Хомиджонов Абдоржон Олимжон ўғлининг

“Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси конструкциясини қу
иш ва технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКА ИШИ

Бажарди:	_____	А.Хомиджонов
Раҳбар:	_____	М.Рахимов
Маслаҳатчилар:	_____	Б.Дадажанов
	_____	М.Азамбаев

НАМАНГАН-2015 ЙИЛ

“Енгил саноат технологияси” факултети
«Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва технологияси»
кафедраси

Тасдиқлайман _____

Кафедра мудири Ж.С.Эргашев

2015 йил 16 июн

5320900-«Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва
технологияси» йўналиши

15у-11 гуруҳи палабаси Хомиджонов Аброржон Олимжон ўғлига

Битирув малака иши бўйича топшириқ

1. Битирув малака ишининг мавзуси "Мақтаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси конструкциясини қуриш ва технологиясини ишлаб чиқиш."

«17» декабр 2014 йил кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув малака ишини топшириш муддати- 18 июн 2015 йил

3. Битирув малака ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар Эскизлар чизиш, моделни конструкциясини ўрганиш, ассортимент танлаш ва уларга паспорт тузиш, деталларни соф майдонини олиш.

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) Устки деталларни лойихалашда пойабзални конструктив асосини тайёрлаш. Деталларни бирлаштириш ва тортиш қирғоқлари учун қўшимчаларни ҳисоблаш. Устки ва таг деталларни чизиш. Ассортимент танлаш ва ҳисоблаш, материалларни бичиш ва қирқиш, тановорни йиғиш ва тикиш технологик жараёнларини тузиш ва материалларга эҳтиёжини ҳисоблаш

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

1. Пойабзални устки деталларини чизиш.

2. Пойабзални таг деталларини чизиш

6. Битирув малака иши бўйича маслаҳатчилар

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф. И. Ш.	Имзо, сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1	Кириш	М.Рахимов	17.12.2014	05.01.2015
2	Асосий қисм	М.Рахимов	08.01.2015	30.03.2015
3	Ижтимоий- иқтисодий қисм	Б.Дадажанов	31.03.2015	11.05.2015
4	Меҳнат муҳофазаси	М.Азамбаев	13.05.2015	01.06.2015
5	Яқуний қисм	М.Рахимов	03.06.2015	08.06.2015

Топшириқлар тўлиқ бажарилди _____

7. Битирув малака ишини бажариш режаси

№	Битирув малака иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Кириш	05.01.2015	
2	Асосий қисм	30.03.2015	
3	Ижтимоий-иқтисодий қисм	11.05.2015	
4	Меҳнат муҳофазаси	01.06.2015	
5	Яқуний қисм	08.06.2015	

Битирув малака иши раҳбари М.Рахимов _____
(имзо)

Топшириқни бажаришга олдим, А.Хомиджонов _____
(имзо)

Топшириқ берилган сана 2014 йил 17 декабр

Ҳимояга рухсат 2015 йил 16 июн

Кафедра мудири Ж.Эргашев _____
(имзо)

1. КИРИШ

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2014 йилнинг якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида истиқболли мақсадимизни амалга оширишда ҳудудларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, уларни ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади [1].

Бугун Ўзбекистон хур диёримиздаги барча сай-ҳаракатлар инсон ва унинг маънафатларини кўзлаб, эл юрт равнақи ва тараққиётининг юксалиш йўлида амалга оширилмоқда [2].

Бунинг натижасида, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди.

Ўтган 2014 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Хом-ашёни ва ярим тайёр маҳсулотларни янада чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий этиш, бунинг учун нефть-газ, нефть-кимё ва кимё, енгил саноат ва электротехника тармоқларида янги комплекс ва корхоналар ташкил этиш, шунингдек, жаҳон ва минтақа бозорларида, ички бозоримизда харидоргир бўлган тайёр тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, электроника ва маиший электр техника маҳсулотлари, маиший кимё товарлари, қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни

					Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси конструкциясини қуриш ва технологиясини ишлаб чиқиш				
Ўз	Лист	Ҳужжат №	Имзо	Сана	КИРИШ	Адаб		Масса	Маси
Бажарди		А. Хомиджонов							
Рахбар		М.Рахимов							
Маслаҳатчи		Б.Дадажанов							
Маслаҳатчи		М.Азамбаев							
Каф.мудири		Ж.Эргашев				лист		листлар	
					“ЕСМКТ” кафедраси	НамМТИ 15у-11 гуруҳи			

йўлга қўйиш ҳақида бормоқда.

Зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва иқтисодий ночор, маҳсулотларига талаб йўқлиги сабабли тўла қувват билан фаолият кўрсатмаётган давлат корхоналарини профессионал хорижий инвесторларга уларни қайта тиклаш ва ушбу корхоналар негизда янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбурияти билан “ноль” қийматида сотиш зарур. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун корхоналарни қайта қуриш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш, технологияни такомиллаштириш талаб қилинади. 2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлар ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида 2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани айниқса эътиборлидир.

Ҳозирги кунда юртимизда 90 дан ортиқ давлатнинг хорижий инвесторлари иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ушбу компаниялар Ўзбекистонда ҳам, унинг ташқарисида ҳам яхши маълум.

Ўзбекистон худудида тўлиқ чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усулларига асосланган корхоналар муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришнинг энг муҳим манбаи ва омилидир.

Бугунги кунда дунёда рўй бераётган воқеалар мавжуд маҳаллий хомашё базаси асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлай олишини яққол кўрсатиб турибди.

Саноат ишлаб чиқаришида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг жадал ўсиб бораётгани бунинг амалий тасдиғидир. 2005 йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар 9,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич қарийб 20 фоизга етди.

Ривожланган инфратузилмани ташкил этмасдан, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизими, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини тараққий эттирмасдан туриб, иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан ўзгартиришга эришиш мумкин эмас.

Шу нуқтаи назардан биз Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини 2013-2020 йилларда комплекс ривожлантириш дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор. Интернет тармоғидан фойдаланишнинг техник имкониятларини янада ошириш, кенг полосали оптик тармоқларни кенгайтириш ва оптик толали алоқа тармоқларини қуриш ишларини давом эттириш, барча ҳудудларни, шу жумладан, узоқ ва чекка ҳудудларни рақамли телевидениега ўтказиш ишларини охирига етказиш зарур.

Маърузада ютуқлар билан бирга иқтисодиёт соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳам ҳар томонлама таҳлил этилди ҳамда 2014 йилда

мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича энг муҳим устивор йўналишлар ва дастурий вазифаларга эътибор қаратилди. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар олдига ҳар бир ҳудуд учун устивор тармоқларни аниқлаш, табиий хом ашё ресурсларидан яънада тўлиқроқ фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришини, айниқса, қайта ишлаш тармоқлари, хизматлар соҳаси, ижтимоий инфратузилмани жадал ва мутаносиб ривожлантирган ҳолда ҳудуд ва минтақаларни комплекс ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон энгил саноат корхоналари томонидан жаҳон андозаларига мос бўлган товар маҳсулотлари экспорти тобора ошиб бормоқда. Экспорт таркибига қарайдиган бўлсак, умумий экспорт ҳажмининг 56,1% ип-калава маҳсулотига, 19% трикотаж буюмларига, 66% газламаларга тўғри келади.

Ташқи иқтисодиётда ҳам Ўзбекистон фаол иқтисодий сиёсат олиб бораётгани, шунингдек жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш мақсадида фақат хом ашё ресурсларини экспорт қиладиган давлат сифатида эмас, балки тайёр маҳсулотларни четга чиқара оладиган давлат сифатида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Кийим сифатини яхшилаш учун кимёвий материалларни янги турларидан фойдаланиш керак бўлади. Тўқима ва трикотаж сунъий замша, мўйна ва тери газлама, плёнка қопланган материаллар, тўқима материаллар, елим қопламали махсус қотирмалар, хилма-хил функциялар ана шундай материал турларидан ҳисобланади [3].

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди. Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга сазовордир. Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация

қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. 2014 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

1.1. Мавзунинг долзарблиги ва унинг аҳамияти

Ҳозирги вақтда кичик корхоналарга ва хусусий тадбиркорликка аҳамият берилмоқда. Мен танлаган мавзу ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан биридир ва катта аҳамиятга эга. Шу боис менинг битирув малака ишимни мақсади мактаб ёшидаги ўғил болалар қўнжсиз ботинкасини замонавий моделлар асосида лойиҳалаш, пойабзалларга қўйиладиган талаблар асосида устки ва таг деталларига турли босқичларда ишлов берувчи замонавий жихозларни қўллаб технологик жараёнларни ишлаб чиқишдир. Чунки биз замонавий, истеъмолчиларнинг талабини қондирадиган қулай, ҳушбичим ва арзон пойабзал турларини ишлаб чиқаришимиз керак.

1.2. Битирув малака ишининг мақсади ва вазифалари.

Замонавий мутахассис бир вақтнинг ўзида дизайнер, конструктор, технолог ва ўз маҳсулотини муваффақиятли сотувчи каби вазифаларни бажариши керак. Юқоридаги масалалар фақатгина малакали мутахассислар орқали амалга оширилади.

Битирув малака ишининг мақсади мактаб ёшидаги ўғил болалар қўнжсиз ботинкасини янги турларини яратиш ва замонавий жихозларда тикиш технологиясидан фойдаланишдан иборатдир.

Ишнинг вазифаси жаҳон талабларига жавоб бера оладиган энг янги замонавий, модабоп мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини конструкциясини қуриш ва технологик жараёнларини ишлаб чиқиб , пойабзал корхоналарга тадбиқ этишдир.

1.3. Битирув малака ишининг объекти.

Замонавий мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини, замонавий моделларини яратиш ва уни тикиш технологиясини корхонага тадбиқ этиш. Битирув малака ишини тадбиқ этиш учун пойабзал корхонаси объект сифатида танлаб олинди. Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини янги моделдаги конструкцияси тадқиқот қилинди.

1.4. Битирув малака ишидаги илмий янгиликлар ва кутилаётган натижалар.

Тадқиқот ўтказиш давомида қуйидаги натижаларга эришилади:

- мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини моделлари турларини таҳлил қилиш ва конструкциясини яратилади.

Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки замонавий ва маҳсулдор технологияларни қўллаган ҳолда, тайёрланган моделни пойабзал корхоналарига тадбиқ этиб, уларни ишлаб чиқаришга қўйилса яхши натижалар беради деб ҳисоблайман.

1.5. Битирув малака ишининг амалий аҳамияти.

Битирув малака ишимни амалий аҳамияти шундаки, пойабзални устки ва таглик деталларини лойиҳаланган андозаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ва шу асосида оммавий ишлаб чиқаришга жорий этиш керак.

1.6. Битирув малака ишининг тузилиши.

Битирув малака ишим кириш, асосий қисм, назарий қисм, дизайн қисми, конструкция қисми, технология қисми, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бўлими, меҳнат муҳофазаси каби бўлимлардан иборатдир.

2. АСОСИЙ ҚИСМ

2. Буюм дизайни

2.1. Замоनावий мода тенденциялари

Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси доимо актуал ва юқори талабга эга бўлган. Бу конструкцияда бажарилган пойабзал классик ва спорт усуллари мужассамлашган.

Кўнжсиз ботинкани асосан табиий чармдан ишлаб чиқарилади. Чармни юзаси ўзидан гул босилган ёки текис бўлиши мумкин. Ранглари эса тўқ қора, жигар ранг ва қора бордо.

Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини, қулай, мода боп ва энг асосийси замонавий, оддий ва бу пойабзални мавсумга қарамасдан кийишга тавсия қилинади

Пойабзални силуэти ихчам. Колипни тумшук қисми ўртача овалсимон ва учлик бўлиши мумкин. мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасида асосан енгил фурнитуралар, яъни боғич ёрдамида оёқ кафтида маҳкамланади. Деталларни бир-бири билан бирлаштирганда бостирма, қўйма ва ағдарма чоклар ишлатилади.

Модани ўзгаришига қарамай бу пойабзал доимо истеъмолчини ўзига қаратади

2.2. Лойиҳа эскизи.

Топшириқ асосида эскизни лойиҳасига ўтилади.

Ишланган эскиз лойиҳалаётган пойабзални хусусиятларини ёритади: қолипни ва пошнани шакли, пошна баландлиги, устки ва таг деталларни шакли, чокларни сони ва уларни тақсимланиши, перфорация расми, ишлатиладиган фурнитура ва безаклар.

Бундан ташқари эскизни кўрсатиш учун материални рангини ва фактурасини ҳам кўрсатиш зарур.

Эскизлар қалам , туш ёки буёқлар билан бажарилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда эскизларни ишлаганда ҳажмий лойихалаш усули ишлатилади. Бундай усул билан яратилган модель пойабзални мақсадли шаклини баҳолайди. Кейинчалик модель билан ишлаганда шаклини ,яъни олдинги вариантдан ўзгарилган қирғоғлари аниқланади.Бундан ташқари бўлажак буюмни чизиклари, декори рационал жойлаштирилади.

Эскизда бажарилган муддат, лойихалашга топшириқни номери қолип фасони,пойабзални тури, жинси, пойабзални устки ва таг материаллари, бириктириш усули, модельерни ёки рассомни фамилияси кўрсатилади.

Баъзи бир ҳолатда пойабзал эскизига расмийлаштирилган бадиий тасвир ёки безакларни турли хил намуналари илова қилинади. Ҳар бир лойиха топширишга бир нечта яратилган эскиз кўзда тутилади.

Пойабзални янги модель эскизини яратганда мода йуналишини, пойабзални ансамблини бошқа буюмлари билан биргаликдагини эътиборга олинади. Модельер ва рассом бадиий – техник кенгашига эскизларини тақдим этади.

Бадиий – техник кенгаш кўриб чиқиб ўзини тузатишларини киритади.

Эскизни кўриб чиқишда буюмни конструкциясидан ташқари кўриниши, моделни тежамлилиги эътиборга олинади. Бадиий-техник кенгаш эскизни тасдиқлагандан сўнг уни муаллифига қайтариб беради ва унга ишлов бериб, кейинги бадиий техник кенгаши йиғилишига тақдим этилади.[4]

2.3 Янги моделларни эскизини тайёрлаш.

Биринчи босқичда асос моделини танлаб олгандан сўнг, лойихаланаётган пойабзалга бир нечта (4-6) моделини ишланади. Бунда қолипни конструкциясини, тумшук қисмини шаклини ҳисобга оламиз .

Моделни қиёсий баҳолаш технологиявийлик, унификация, техник эстетика бўйича қилинади. Эскиз тайёрлангач, пойабзал учун битта асос моделга унификацияланган қаторни тузамиз. [4]

2.3.1. Моделни ташқи кўринишини тавсифлаш.

Мен танлаган пойабзал қўйима дастакли бўлиб, мактаб ёшидаги ўғил болаларга мўлжалланган. Бу усулда бажарилган пойабзал оддийлиги билан ажралиб туради. Кийганда бироз вақтни олади, чунки у боғич билан оёқ кафтида маҳкамланади..

Ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини ташқи кўриниши спорт ва классикусулиби билан биргаликда ўйғунлашади. Бу пойабзални ҳар кун кийишга тавсия этилади.

Устки деталлари ясси, деталларни кўринадиган қирғоғи букиб ишлов берилади. Тановар икки қисмдан иборат: устки деталлар ва астарлик деталлар тугуни. Деталларни бир бири билан қўйима икки қатор ва ағдарма чоклар билан бирлаштирилади.

Лойиҳалаётган пойабзалимга пойабзални вазифасини, қолипни, тановор ва пойабзални конструкциясини , устки ва тағ материалларини, тағлик ва пошнани бириктириш усули, пойабзални ДАСТи , артикули, қолип фасонини келтирамиз. [4]

Юқоридаги талаблар асосида модел паспортини тузамиз ва жадвал кўринишида ёзамиз.

1 - Модел паспорти

1. Пойабзал тури – кўнжсиз ботинка
2. Пойабзал жинси – мактаб ёшидаги ўғил болалар
3. Қолип фасони – 612220
4. Бириктириш усули – елимли
5. Устки материали – бузоқ чарми
6. Тағлик материали – қаттиқ чарм

7. Пошна баландлиги – 20 мм

8. Артикул – шартли

9. ДАСТ – 26167-84

10. Тановор конструкцияси – деталларни кўринадиган қирғоғи букиб

ишлов берилади

1- жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	2	3	4	5	6
1	Бетлик	2	Бузоқ чарм	1,1	939-84
2	Дастак	4	Бузоқ чарм	1,1	939-84
3	Тилча	2	Бузоқ чарм	1,1	939-84
4	Бетлик астари	2	Тик-саржа	0,5	19169-84
5	Дастак астари	4	Қўй чарми	0,8	940-84
6	Тилча астари	2	Қўй чарми	0,8	940-84
7	Бетлик оралик астари	2	Бўз	0,5	17-21-92-84
8	Дастак оралик астари	4	Бўз	0,5	17-21-92-84
9	Тумшук ости	2	Термопласт	1,2	17-21-592-87
10	Бикр дастак	2	Чарм картон 3-1	1,9	17-22-85
11	Ички патак	2	Қўй чарми	0,8	940-84
12	Асосий патак	2	Қаттиқ чарм	2,2	1010-84
13	Ярим патак	2	Чарм картон С-1	2,0	17-112-84
14	Тўлдиргич	2	Картон П-1	2,2	17-21-94-84
15	Таглик	2	Қаттиқ чарм	3,4	1010-84
16	Пошна	2	Пластмасса	20,0	-

3. Буюм материалларини конфекциялаш.

Пойабзал устки ва таг деталларини материалларини конфекциялашда, аввало пойабзални вазифаси, ДАСТи ва ТШ талаблари, материални механик хусусиятини ҳисобга олишимиз. Материални хусусиятларини иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқариш технологиясини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда пойабзални эксплуатация қилиш нуқтаи-назаридан кўрсатишимиз лозим. Материалларни физик ва механик хусусиятларини таққослаб ва уларни 2-жадвалга ёзамиз.[7]

Материалларни физик-механик хусусиятлари.

2-жадвал

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ДАСТ ёки ТШ бўйича қиймати		
			Бузоқ чарм	Ярим тана	Тана
1	2	3	4	5	6
1.	Чарм майдони	дм ²	90	140	180
2.	Вазни	Кг	11	13	15
3.	Чарм қалинлиги	Мм	0,9	1,1	1,2
4.	Чармдаги мустаҳкамлик даражаси	М/па	20	20	20
5.	Кучланишдаги узайиши, %	%	16÷28	20÷33	18÷33
6.	Кучланишдаги чарм юзасини ёрилиши	М/па	18,5	18,5	24,5
7.	Ишқаланишдаги мустаҳкамлик	Соат/айл	200	200	200
8.	Иссиқликка чидамлилиги	м ² /см ²	2÷4	2÷6	2÷6
9.	Гигроскопик даражаси	%	15	17	17
10.	Намланиш даражаси	%	30	30	28

Хулоса: жадвалдан кўришиб турибдики, физик-механик хусусиятлари асосида, бузоқ чарм афзалликлари жиҳатидан мактаб ёшидаги ўғил болалар ботинкаси устки қисмига ишлатишга тавсия этаман.

Экспериментал бўлим

4. Конструкциялаш қисми

4.1. Мактаб ёшидаги ўғил болалар қўнжсиз ботинкасини сиртқи деталларини лойихалаш

Пойабзалнинг устки деталларини қуриш, юқорида айтилганидек ҚўНни координата ўқларига жойлаб, ҳамма базис ва ёрдамчи назорат чизикларини ўтказгандан кейин пойабзални орқа қисмини қуришдан бошланади. Пойабзалнинг орқа қисмини қуриш учун V_k^1 , V_v , V_b нуқталарни белгилаб олиш керак. V_k^1 – нуқтасидан чапга 2-2,5 мм. (V_k^1 нуқтаси) ва V_v -нуқтасидан 2-1,5 мм (V_v^1), V_b нуқтасидан V_b Д чизиғини V_b $V_b^1=0,33 V_b$ қийматида қисқартириб, V_b^1 нуқтаси қўйилади. V_b^1 , V_v^1 , V_k^1 , V_3 нуқталари лекала ёрдамида туташтирилади ва тортиш баҳясини ёни қўшилади. Дастакнинг юқори зийи (канти) D^1 ва e нуқтадан eE^1 чизиклари орқали қтади.

Бурчак V_b^1 e^1E ихтиёрий радиус ёрдамида текис туташтирилади. Шунда e^1E^{11} 10-20 мм. масофага тенг бўлиши керак. e -нуқтасида ҚУНнинг контурига нисбатан 1-2 мм пастрокда ўнга параллел холда, I нуқтасигача тўғри чизик ўтказилади.

e^1 eI бурчак ихтиёрий радиус орқали текис туташтирилади. eI масофа ихтиёрий бўлиб исталган Қийматга эга бўлиши мумкин. Бу асосан моделга ва пойабзални эскизда яратилган кўринишига боғлиқ. Дастакнинг олд контурига ҳам худди эскизда чизилгандек ўтказилиши ва L , L^{11} нуқтаси орқали ўтиши шарт. L^{11} нуқтаси L^1 нуқтасидан 10-12 мм пастрокда жойлашган. L нуқтасини топиш учун бетликнинг букиш чизиғини ўтказиб олиш керак. Бунинг учун олдин мустахкамлик ўрнини белгилаб олинади, яна KC ёрдамчи чизиғида

$$C^1b = 0,35 KC; Cb = 0,5 KC.$$

тенгламалари ёрдамида b ва b^1 нуқталари топилади. $b b^1$ масофасининг исталган жойида (кўпинча ўртасида) L нуқтаси ётади, у дастакни мустахкамлик чокининг ўрнини билдиради. Қолипни нусхасининг тумшук Қисмини энг бўртиб чиққан нуқтасидан Na 3-4 мм пасида v нуқтаси белгиланади, кейин чизмада тўғри бурчакли учбурчакли чизғич шундай

жойлаштириладики, битта катети Л нуктасида, иккинчи катети эса в нуктасидан тўғри бурчакни учи эса ҚЎН-да (v_1) етиши керак. Шу холда в v_1 нукталари туташтирилади ва в нуктасидан унга, v_1 нуктасидан чапга давом еттирилади. Бу ҳосил бўлган тўғри чизик бетликнинг букиш чизиғи дейилади. Л нуктасидан букиш чизиғига параллел холда $ЛЛ^1$ қ12-15 мм чизик чизилади. Сунъий ва синтетик материаллардан қилинган танаворлар учун букиш чизиғи $Нв^1$ ва v_1 нукталари орқали ўтади. Бетликнинг букиш чизиғини ўтказгандан кейин дастакнинг контурини қуриш давом эттирилади. $Л^{11}$ нуктасидан $В_3$ Г назорат чизиғига параллел қилиб тўғри чизик чизилади. Бу тўғри чизикни Ш базис чизиғи билан кесишган нуктасидан чапга 3-5 мм давом еттириб М нуктаси топилади. ҚЎН контурини ИИ ва ИИИ базис чизиклари орасидаги масофани тенг иккига бўлиб $М^1$ нуктаси белгиланади. М ва $М^1$ нукталари тўғри чизик орқали туташтирилади. Дастакнинг олд контурини чизишда, асосан деталларни бичаётганда уларни ўзаро яхши жойлашиниши, чиқиндини камайиши ва умуман пойабзални кўриниши гўзал бўлишига эътибор бериш керак.

Бунинг учун дастакнинг юқори зийини қолипнинг ўртача нусхаси билан кесишган жойини И деб, ундан чапга букиш чизиғи бўйича 8-10 мм қўйилади ва $И^1$ нуктаси топилади.

Бетликнинг тумшук қисмини $С^1$ $Н_2Н_3$ бўлагини калкага чизиб олиб, $Н_2$ нуктасини И нуктасига қўйиб, бетликни букиш чизиғида эса, калканинг $С^1Н_2$ букиш чизиғи ётган холда $Н_2$ $Н_3$ контурини ингичка чизик ($И^1Н^1_3$) билан чизиб олинади. Дастакнинг $Л^{11}$ $ММ^1$ контурига тикиш учун (8-10мм) қўшимча берилиб бетликнинг қаноти Л нуктасигача чизилади. Тилчани чизиш учун бетликни букиш чизиғи дастакнинг юқори зийи билан кесишган нуктасидан Л чапга 5-6 мм ($Л^1$ нуктаси) қўйиб, $Л^{11}$ нуктасидан букиш чизиғига тик туширилади ва тилчанинг энини ярим қиймати қўйилади (С нукта).


Тилчанинг эни кўп холларда 48 мм га тенг бўлади, тилча асосан оёқ панжаси шикастланмаслиги учун блочканинг остини беркитиб туриши шарт.

Л нуктада 1,5-2,5 мм. радиусли доира чизилади. Назорат чизиғи КС эса Л нуктада шу доирага уринма бўлиши керак. С нуктасидан шу доирага уринма қилиб тўғри чизик ўтказилади. Бурчак Л¹С Л ёй ёрдамида текис туташтирилади. ЛС тўғри чизиғида Л нуктани белгилаб олиб Л₁И¹ чизиғига параллел қилиб 6 мм масофада тилчанинг олд контури чизилади. Қолипнинг ўртача нусхасини товон аҳми ва ташқи тутам қисми контурларига нисбатан тортиш баҳясининг энини қиймати қўйилиб а. г, д, е, ж, з, и нукталари лекала ёрдамида текис туташтирилади. Тортиш баҳясининг эни пойабзалнинг бириктириш усулига ва деталларнинг материалига қараб жадвалдан олинади.[5]

4.1. 1. Астарлик деталларни лойиҳалаш.

Пойабзалнинг ички деталларини қуриш учун сиртки деталларни контури асос қилиб олинади, яъни оқ қоғозга ёрдамчи чизиклар орқали сиртки сон деталларни контури (грун-модел) чизиб олинади (1-расм).

Чарм астарнинг юқори ва олд контурлари АЛ₁, қисми дастакнинг юқори ва олд контурига нисбатан 2 мм юқорида, унга параллел ҳолда чизилади. Чарм астарнинг ва дастакнинг бундай жойлашиши, ишчига тикаётганда қулайлик туғдиради. Ишчи тикиб бўлгандан кейин, ёки бўлмаса тикиш билан бир вақтда астарнинг ортикчаси қирқиб, ташланади. ВБ¹А бўлагида 12-14 мм. узунликда эса астарнинг контури, дастакнинг контуридан 1 мм. пастда ётади. Танаворни тикаётганда ишчи астарни дастакнинг юқори зийидан 2 мм юқори қўйиб тикади, шундай қилганда астарни товон қисми гижимланиб қолмайди [5].



1-расм. Қўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларининг ички деталларини лойиҳалаш тасвири.

Астарни L_1 нуқтадан паст контури эса деталларни параллел ёки кетма-кет усулда йиғилишига боғлиқ. Биринчи параллел усулда йиғиладиган пойабзалда астарнинг контурини L_1 нуқтагача чизгандан кейин L_1 нуқтадан пастга 6 мм. давом эттирилади. (L_2 нуқтаси). L_2 нуқтасидан мустақкамлагич L_{L1} чокига тенг ва параллел қилиб тўғри чизиқ ўтказилади. (L_3 нуқтаси. L_3 нуқтасидан L_2 L_3 чизиғига тик L_3 L чизиғи ўтказилади. (L_3 нуқтасидан чапга 1-1,5 мм масофани) Қўйиб L_5 нуқтаси топилади.

L_5 нуқтасидан ўтказилади вертикал чизиқни дастакнинг контуридан 4-6 мм пастга давом эттириб L_4 нуқтасини топилади. (L_5 , L_4) чизиғи. Астарни бичаётганда L_3L чизиғи бўйича қирқиб қўйилади. Бу қирқим орқа узелни олд узелга тикаётганда танаворни йиғишни огоҳлантиради.

Астарни L_4V^{11} кетма-кет усулда йиғишга боғлиқ. Биринчи параллел усулда йиғиладиган пойабзалда астарнинг контурини L_1 нуқтагача чизгандан кейин, кетма-кет усулда йиғишга боғлиқ. Биринчи параллел усулда йиғиладиган пойабзалда астарнинг контурини L_1 нуқтагача чизгандан кейин, $L_4 V^1$ п контури, дастакнинг контурига 4-6 мм қўшимча бериб, унга параллел қилиб чизилади. Чарм астарнинг тортиш баҳяси эса дастакнинг тортиш баҳясидан 5-7 мм қисқартирилиб V^1 п V^1 п чизиғи чизилади (елимлаш усулида), михлаш усули учун бу масофа 2-3 мм га тенг. Чарм астарнинг орқа контурини қуришда эса юқорида кўрсатилган уч хил усулдан бири қўлланилганда, бетлик учун тўқима астарни қанотлари

Вс В¹е Л, бетликнинг қаноатларини контурига мос келади. Л нуқтадан Л₃ нуқтасигача эса кўрсатилгандек чизилади.

Тўқимачилик астарини букиш чизиғи бетликнинг букиш чизиғи билан бир хил бўлади. Тортиш баҳяси эса бетликнинг тортиш баҳясидан 5-7 мм қисқа бўлади. Кетма-кет усулда чарм астарни юқори зийи бўйича Л₁ нуқтагача чизиб, ундан 6-7 мм давом эттирилади. (Л₂ нуқтаси). Л₂ нуқтадан Л₂Л₃=4-5 мм чизиқ ўтказилади. Л₂Л₃ чизиғи ЛЛ₂ ни давомда ётади. Чарм астарни тортиш баҳясида (ВпВп) узунлиги 75-100 мм га тенг бўлаши керак, яъни қаттиқ дастакнинг қанотларини беркитиши шарт.


Чарм астарни Л₃ Вп қисми ихтиёрий кўрилади, унда деталларни ўзаро жойлашиши, ҳисобга олинади. Чарм астарни бичаётганда ЛЛ₂ Л₃ чизиғи бўйича қирқиб қўйилади.

Тилчанинг чарм астари, тилчани Л¹СЛ контурига нисбатан 2 мм катта бўлади (Л₁С₁ЛЛ₄). Л₃Л₂ чизиғи эса бетликнинг букиш чизиғига тик бўлиши керак.

Чарм астарнинг (В¹пЛ₄Л₃Л₂) (дастакни, тилчани) контурига нисбатан чок кенглигида параллел ҳолда, бетликнинг тўқима астарини ВсВ¹сЛ¹Л₃ контури чизилади. Бетликнинг тўқима астарини букиш чизиғи Л₃ Нп бетликнинг букиш чизиғига мос тушади. Астарнинг тортиш баҳясини контури эса, сиртқи деталнинг тортиш баҳясидан 5-7 мм қисқа бўлади.[6]

4.1.2 .Оралик деталларни лойиҳалаш.

Оралик деталларни лойиҳалаш учун сиртқи деталлар алоҳида - алоҳида чизиб олинади. Қўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларда дастакнинг, бетликнинг ва блочка остининг оралик астарлари бўлади. Оралик деталлар умумий услубдаги талабларга мувофиқ, 2-расмда кўрсатилгандек лойиҳаланади.[5]



2-расм. Оралиқ астарларни лойиҳалаш тасвири


4.2. Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини таг деталларини лойиҳалаш

Таг деталларини лойиҳалаш икки гуруҳга бўлинади. Ясси шаклдаги таг деталлари (чарм, резина, пласамасса ва х.к. материаллардан), иккинчиси шакллантирилган (яхлит қўйма, ярим қўйма), қўйма усулда тайёрланган деталлар.

Таг деталларини конструкцияси, шакли ўлчам (размер) лари, пойабзалнинг кўринишига, конструкциясига, жинсий гуруҳига, пошнасининг баландлигига, таг деталларини бирлаштириш усулига, ҳамда тагликга ишлов беришга боғлиқ. Лекин иккала гуруҳдаги таг деталларини қуришда қолипнинг таг қисмининг нусхаси асос қилиб олинади. Шунинг учун қолипнинг таг қисмидан нусха олишни билишимиз шарт.

Қолипнинг таг қисмини юпқа қоғозга қўйиб, уни қоғозга нисбатан тик қилиб контури чизиб олинади. Шу контурга 8-10 мм қўшимча бериб янги ҳосил бўлган контур орқали қирқиб олинади ва ҳар 10-15 мм масофада 15-20 мм чуқурликда япроқчалар кесилади. (3-расм).

Шу кесилган қоғозни қолипнинг таг қисмига елим ёрдамида ёпиштирилиб, қолипнинг қирралари (контури) қалам ёрдамида қоғозга кўчирилади. Кейин қоғозни кўчириб олиб, қалинроқ қоғозга елимлаб янги ҳосил бўлган контур орқали қирқиб олинади, унга қолипнинг размери N , тўлалиги W , таг қисмининг узунлиги L_n ёзиб қўйилади.[7]




3-расм. Қолипнинг таг қисмидан нусха олиш тасвири.

Асосий патакни лойиҳалашда шу олинган қолипнинг таг қисмини нусхасидан фойдаланилади. Пойабзалнинг таг деталларини лойиҳалаш, устки деталларни лойиҳалашга нисбатан осон ва бир-бирига ўхшашдир. Таг деталларини тузилиши: ўлчамлари, шаклига, пойабзалнинг конструкциясига, кўринишига, жинсий гуруҳига боғлиқдир. Ҳамма таг деталларининг қуриш учун қолипнинг тагини нусхаси (патак) асос қилиб олинади. Шунинг учун биринчи навбатда асосий патак лойиҳаланади.[5]

4.2.1. Асосий патакни лойиҳалаш

Асосий патакни қуришда қолипнинг таг қисмининг нусхасидан фойдаланилади. Яқин йилларгача қолипнинг таг қисмини нусхаси асосий патакнинг контури деб юритилиб, уни қолипга биркитилгандан кейин товон қисми зийи бўйича шилиб ташланар эди.[5]

Хозирги пайтда патакни контури, қолипнинг таг қисмини контурига нисбатан Y миқдорга қисқартирилмоқда. Бундай қилинганда, биринчидан бир технологик (патакнинг товон қисмини шилиш) жараёни қисқаради ва иккинчидан материал иқтисод қилинади. (4-расм).



4-расм. Асосий патакни қуриш тасвири.

Шундай қилиб устки деталларни текис қолипга тортиш учун, патакнинг контури қискартирилиши керак. Бу қуйидагича топилади.

$$Y_1 = t \text{ пат} \times \text{tg} \alpha .$$

бу ерда: Y_1 - қискартирилиш қиймати;

t пат - давлат стандарт бўйича патакнинг қалинлиги;

α - қолипнинг ён қисмига ўтказилган уринма аб ва қолипнинг таг қисмига ўтказилган тик ВкВ орасидаги бурчак

α бурчакдаги қолипнинг ҳар хил кесимларида турлича бўлиб, А.А. Афанасиевнинг тавсиясига биноан қуйидаги қийматларга эга.

	градус
Товон қисмининг орқа томонида _____	20-25
Товон қисмининг ен томонларида _____	8-23
Ички аҳми қисмида _____	40-50
Ташқи аҳми қисмида _____	7-25
Ташқи тутам қисмида _____	0-15
Ички тутам қисмида _____	0-15

Патакнинг узунлиги қискартиришни, қуйидаги тенглама ёрдамида топилади:

$$D_{\text{пат}} = D_{\text{к}} - t_{\text{пат}} \times \text{tg} \alpha$$

бу ерда : $D_{\text{пат}}$ - патакнинг узунлиги;

$D_{\text{к}}$ - қолипнинг таг қисмини узунлиги.

4.2.2. Тагликни лойихалаш.

Тагликни лойихалашда патакнинг контури асос қилиб олинади. Патакни контури ингичка ёрдамчи чизиқ билан чизиб олиниб, унга устки деталларнинг қалинлиги, қадолатни (таг чармни кўринадиган) эни ва ишлов бериш учун қўшимча қиймати қўшилади.[4]

$$\sum P = P_{\text{т}} + r = f,$$

бу ерда: $\sum P$ - патакнинг контурига қўшиладиган қўшимча қийматнинг эни.

P_t - давлат стандарт бўйича танаворнинг деталларини қалинлиги
 r - тайёр пойабзалдаги қадолат (тагликни кўринадиган қисми) ни эни.

ЦНИИКП тавсиясига биноан олинади.

f - тагликка ишлов бериш учун кўшиладиган қиймат. Бу ўз навбатда
 $f_k = f_{min} = f_{қўш}$ га тенг, яъни


f_{min} - ишлов бериш учун минимал қиймат $f_{min} - 0,5-1,5$ мм;

$f_{қўш}$ - тагликни қўйишда ва ишлов беришда қўйиладиган хатоларни
хисобга олувчи қўшимча қиймат $f_{қўш} = 0,5-4$ мм.

Танаворни деталларини қалинлиги P_t қуйидаги тенглама билан
хисобланади.

$$P_t = \sum T_t \times K_3$$

$\sum T_t$ - тайёр пойабзалдаги танавор материалларини қалинлиги (давлат
стандартлари бўйича). K_3 - зичланиш коэффициенти (яъни қолипга
пойабзални тортганда материал чўзилиб зичланади). (5-расм).



5-расм. Тагликни қуриш тасвири.

А.А. Афанасьевнинг тавсиясига биноан K_3 ни ўртача қиймати
0,75-0,9; ЦНИИКПни тавсиясига биноан тумшук қисмида $K=0,5$, товон
қисмида $K=0,7$ ва ахми қисмида $K=0,5$. Бу қийматлар тажриба йўли билан
топилган.

Масалан: қуйидаги мисолда (P_t) танаворнинг деталларини
қалинлигини хисобга олинадиган қўшимча қийматни эркаклар
пойабзалининг товон қисмининг орқа томони учун хисоби келтирилган[5].

Қалинлиги давлат стандарти

бўйича мм да

Ташқи орқа тасма (чармдан) -----	0,8
Устки дастак (чармдан) -----	0,7
Оралик астар (газмол) -----	0,4
қаттиқ дастак (чарм,картон) -----	2,2
Чарм астар -----	0,6

Жами $\sum T_T=4,7$

ЦНИИКПнинг тавсиясига биноан $K_3 = 0,7$ бўлса. унда

$$\sum P_T = \sum T_T K_3 = 4,7 \times 0,7 = 3,29 \text{ мм} = 3 \text{ мм};$$

$\sum P_T$ аниқланадиган кейин жадвалдан $r=1,5$ мм олинади ва f танланади f мин=1,5; f қўш=2,5 мм.


$$\sum P = \sum P_T = r = f_{\text{мин}} = f_{\text{қўш}} = 3 = 1,5 = 2,5 = 7 \text{ мм}$$

Олдиндан ишлов берилган тагликлар учун f қўш ҳисобга олинмайди. Тагликни қуриш учун бериладиган қийматлар патакнинг товон, тумшук, аҳми, тутам қисмлари учун алоҳида ҳисобланади, чунки бу қисмларда деталларнинг сони ва қалинлиги ҳар хилдир. Бу қисмларнинг аниқ жойларини оёқ панжасининг узунлигига нисбатан аниқланади, яъни товон - 0,41 Lon; аҳми - 0,4-0,6 Lon; тутам-0,6-0,8 Lon; ва тумшук - 0,8-1,0 Lon қисмлари учун $\sum P$ алоҳида ҳисобланади.

Шундай қилиб патакни контурини чизиб, ўқ чизиғини ўтказгандан; товон б аҳми, тутам, тумшук қисмларини белгилаб олгандан кейин ҳар бир қисми учун алоҳида ҳисоблаб чиқилган. ЕП ни белгилаб лекала ёрдамида текис туташтирилади. Тилчалик тагликни лойиҳалашда тагликни аҳми, тутам ва тумшук қисмлари юқорида келтирилгандек лойиҳаланади. Тилча эса пошнанинг фронтал контурига энг ками 12 мм кириб туриши керак

4.2.3. Қўйғич ва тўлдирғичларни қуриш.

Қўйғич ва тўлдирғичларни қуриш учун асосий патакни контурига тортиш бахясини эни, елимлама ва михлама тортиш усулларида ёки кадолатли патак лабининг ички контури асос қилиб олинади. Қўйғич ва тўлдирғични қуриш учун асосий патакни контурини чизиб, унга тутам (панжа-кафт) чизиғи чизилади. Қўйғичнинг олд чизиғи, тутам чизиғига 8-10 мм етмайди, тўлдирғичнинг олд қисми эса қўйғичнинг олд қисмини 8-10 мм беркитиб (ёпиб) туради. Тортиш бахясининг контури билан тўлдирғич ва қўйғичнинг ораси 1,5-2 мм бўлиши керак. (6-расм).[5]




6-расм. қўйғич ва тўлдирғичларни қуриш тасвири.

а- рант усули учун, б- бошқа усуллари учун

4.2.4. Ич патак, ярим ич патак ва товон ости ич патакларини қуриш.

Ич патакни қуриш учун, асосий патакнинг контури асос қилиб олинади. Ич патакнинг тумшук қисми асосий патакнинг контуридан 2-3 мм қисқартирилиб, ахми қисмининг ички контурига 3-4 мм, ташқи контурига 2,5-3 мм, товон қисмида эса 1,5-2 мм қўшимча берилиши керак. Езги очиқ ва тасмали пойабзаллар учун ҳам ички патак юқорида кўрсатилганидек қурилади, фақат ички патакнинг тумшук ва товон қисмидаги контури, асосий патакнинг шу қисмлардаги контурига мос келади. (7-расм).



7-расм. Ич патак, яри ич патак ва товон ости ич патакларини қуриш тасвири.

Ярим патак ва товон ости ич патаклари ҳам худди ич патакка ўхшаб қурилади, фақат ярим ич патакнинг олд конутри тутам чизиғида ётади. Товон ости ич патакнинг узунлиги эса $1/4 L_n = 10$ мм га тенг бўлади. Бу деталларнинг олд контурини текис, фигурали ёки бошқа исталган шаклда қуриш мумкин.[7]

4.2.5. Бикир дастакларни лойихалаш.


Бикир дастакларнинг тўзилиши, ўлчамлари, биринчи навбатда пойабзалнинг қўринишига, ва пошнанинг баландлигига боғлиқ. Пошна канча баланд бўлса, бикир дастакнинг қанотларини узунлиги шунча узун бўлади.[5]

Унинг баландлиги эса

$$B_3=0,15N=(8-9) \text{ мм}$$

каби тенглама ёрдамида топилади. Бикир дастакни қуриш учун қолипнинг ўртача нусхасини юқорида кўрсатилгандек координата ўқларида жойлаб, базис ва назорат чизиқларини чизгандан кейин, баландлигини қолипнинг ўртача нусхасини орқа контурига қўйиб Вд нуқтаси белгилаб олинади. Вд нуқтадан назорат чизиғига параллел чизиқ ўтказилади. Агар пойабзал паст пошнали бўлса, унда бикир дастакнинг қанотларини узунлиги I базис чизиғигача, ўрта пошнали пойабзаллар учун II-III базис чизиқларини ўртасигача, баланд пошнали пойабзаллар учун

III базис чизиғига бұлады. Оғир пойабзаллар, яғни этиклар учун бикир дастак келтирилганидек қурилади. (8-расм).




8-расм. Бикир дастакни лойихалаш тасвири.

Тортиш бахяси учун бериладиган қўшимча қиймат эса тағликни бириктириш усулларига қараб қуйидагича бұлады:[5]

Тортиш бахясини эни	мм да
Елимлама усул -----	15,0±0,5

4.2.6. Тумшук остини қуриш.

Тумшук остини қуриш учун V базис чизиғидан бетликни контурини нухаси қирқиб олиниб, шу контурга қисбатан тортиш бахяси бўйича 3-4 ммга ён томонида 4-5 мм қисқартирилиб чизилади. (9-расм).[5]



9-расм. Тумшук остини қуриш турлари.

5. Технология қисми

5.1. Корхона ассортиментни.

5.1.1. Ассортименти танлаш ва асослаш

Лойиҳаланаётган корхонани пойабзал ассортиментини танлаймиз ва асослаймиз. Бунда қуйидагиларга эътибор беришимиз керак: [9]

-замонавий стил ва модага жавоб бера оладиган, қулай қолипда тайёрланадиган пойабзал конструкциялари ва моделларини яратамиз;

-қўлланаётган материаларни вазифасига ва мавсумга мос келиши, материалларни ассортиментини кенгайтирамыз;

-лойиҳаланаётган пойабзал конструкцияларини технологиявийлиги, пойабзал сифатини таъминлаган ҳолда юқори маҳсулдорликка, материал сарфини камайтиришга имкон яратадиган механизациялаштириш ва автоматлаштиришни қўлласа бўладиган янги ишлаб чиқариш технологик-ушуллари жорий қиламыз;

-массасини камайтирамыз ва лаёқатлигини купайтиришимиз ҳисобига пойабзални қулайлигини оширамыз;

-пойабзал конструкцияларини асосий бир жинслилигини сақлаган ҳолда ассортиментини кенгайтирамыз.

Корхонани танлаган ассортиментини маълумотлари 4-жадвалга ёзамиз.

Корхона ассортиментни

4 – жадвал

№	Цех, смена, оқим	Пойабзал жинси ва тури	Қолип фасони	Бирлаштириш усули	Пойабзал материали	
					Устки қисми	Таг қисми
1	2	3	4	5	6	7
1	Цех 1	Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси	612220	Елимли	Бузук чарми	Қаттиқ чарм
	Смена А					
2	Цех 1	Аёллар туфлиси	813320	Елимли	Бузук чарми	Қаттиқ чарм
	Смена Б					
3	Цех 2	Ёш болалар ботинкаси	242220	Елимли	Ярим тана	Резина
	Смена А					

4	Цех 2	Эркаклар ботинкаси	942220	Елимли	Ярим тана	Полиуретан
	Смена Б					
5	Цех 3	Болалар этиги	342320	Елимли	Тана	Резина
	Смена А					
6	Цех 3	Ўғил болалар этиги	442220	Елимли	Ярим тана	Полиуретан
	Смена Б					

Изоҳ: Корхона ассортиментини пойабзал жинси қолип фасонининг бириктириш усули ва пойабзални устки ва таг деталларини материалларини эътиборга олишимиз керак.

5.1.2. Ўлчам-тўлалик ассортиментини ҳисоблаш.

Пойабзал одамларни жинси ва ёшига қараб ўлчам тўлалик ассортиментини тўғри тақсимлаймиз, бир хил пойабзал бошқаларига нисбатан тез сотилиб кетиб, тақчил бўлиб қолишни олдини оламиз [9].

Ўлчам-тўлалик ассортиментини қуйидаги маълумотларга асосланиб ҳисобланади:

- шу ўлкадаги аҳолини оёғини ўлчамини ўртача узунлиги;
- пойабзални ўртача ўлчами;
- ҳозирги пайтда қўлланаётган пойабзал ўлчамларини туманлар бўйича ўлчамлар шкаласи (Вазирликни 299-буйруғи 09.08.82).

Ўлчам-тўлалик ассортименти хар бир буюм учун ҳисобланиб натижалари 5-жадвалга ёзамиз.

Ўлчам-тўлалик ассортиментини ҳисоблаш.

5 – жадвал

1. Мактаб ёшидаги уғил болалар этиги

Пойабзал ўлчами	Метрик система					Ўртача ўлчам
	205	210	215	220	225	
Пойабзал размери	205	210	215	220	225	216,0
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	15,5	18,5	20,5	32,5	23,5	100
Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	46	55	61	97	70	200
Тўлалик ассортименти						
Ўрта 30%	14	16	18	29	21	
Тўла 60%	28	32	36	58	42	
Топ 10%	5	5	6	10	7	

2. Аёллар туфлиси

Пойабзал ўлчами	Метрик система														Ўртача ўлчам
Пойабзал размери	210	215	220	225	230	235	240	245	250	255	260	265	270	238,1	
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	0,5	2,0	4,5	9,0	14,0	17,0	18,0	15,0	10,0	5,5	2,0	1,5	0,5	100	
Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	2	4	18	36	56	68	72	60	40	22	4	6	2	200	
Тўлалик ассортименти															
Ўрта 30%	1	1	5	11	17	20	22	18	12	7	1	2	1		
Тўла 60%	2	2	10	22	34	40	44	36	24	14	2	4	2		
Топ 10%	1	1	2	4	6	7	7	6	4	2	1	1	1		

3. Ёш болалар ботинкаси

Пойабзал ўлчами	Метрик система					Ўртача ўлчам
Пойабзал размери	145	150	155	160	165	154,9
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	20,0	20,0	20,5	20,0	19,5	100
Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	60	60	61	60	59	300
Тўлалик ассортименти						
Ўрта 30%	18	18	18	18	17	
Тўла 60%	36	36	36	36	34	
Топ 10%	2	2	2	2	2	

4. Эркаклар ботинкаси

Пойабзал ўлчами	Метрик система												Ўртача ўлчам
Пойабзал размери	245	250	255	260	265	270	275	280	285	290	295	263,3	
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	5,5	10	14,5	18	17,4	14,5	9	4,5	4	2	0,5	100	

Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	5	11	19	29	35	34	27	17	9	9	4	300
Тўлалик ассортименти												
Ўрта 30%	1	3	6	9	10	10	8	5	3	3	1	
Тўла 60%	2	6	12	18	20	20	16	10	6	6	2	
Топ 10%	1	1	2	2	2	2	2	1	1	1	1	

5. Болалар этиги

Пойабзал ўлчами	Метрик система								Ўртача ўлчам
Пойабзал размери	170	175	180	185	190	195	200		184,3
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	15,5	15,5	15,0	14,5	13,5	12,0	13,5		100
Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	46,5	46,5	45	43,5	40,5	36	40,5		300
Тўлалик ассортименти									
Ўрта 30%	13,95	13,95	13,95	13,0	12,15	10,8	12,1		
Тўла 60%	27,9	27,9	27	26,0	24,3	21,6	27,2		
Топ 10%	4,6	4,6	4,5	4,3	4,0	3,6	4,0		

6. Ўғил болалар этиги

Пойабзал ўлчами	Метрик система			Ўртача ўлчам
Пойабзал размери	230	235	240	235,3
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	31,0	32,0	37,0	100
Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	93	96	111	300
Тўлалик ассортименти				
Ўрта 30%	28	29	33	
Тўла 60%	56	58	67	
Топ 10%	9	10	11	

Изоҳ: Размер тўлалик ассортиментини ҳисоблаганимизда пойабзал ўлчамини метрик тизимда, юз жуфтга ўлчамларини ва смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши ва тўлалик ассортиментини 3 та тўлаликда ҳисоблаймиз.

5.1.3. Лойihalанаётган буюмни техник тавсифи

Модел паспортини тузиш

Битирув малака ишимни тушинтириш ёзувида пойабзални техник тавсифида пойабзални жинси, тури, бирлаштириш усули, устки ва таг деталларини материали, қолип фасони, пошнани баландлиги, артикули, ДАСТи келтирамиз[12]. Пойабзални расмини чизамиз.

Тановарни конструктив хусусиятлари, деталларни қирғоғига ишлов бериш тавсифи, безаклари ҳақида маълумот ва таг деталларни конструктив хусусиятларини ёзамиз.

Пойабзал конструкциясини тавсифлаб, ёзилган маълумотлар асосида қабул қилинган ассортиментдаги ҳар бир пойабзал моделига паспорт тузамиз.

1 - Модел паспорти

1. Пойабзал тури – кўнжсиз ботинка
2. Пойабзал жинси – мактаб ёшидаги ўғил болалар
3. Қолип фасони – 612220
4. Бириктириш усули – елимли
5. Устки материали – бузоқ чарми
6. Таглик материали – қаттиқ чарм
7. Пошна баландлиги – 20 мм
8. Артикул – шартли
9. ДАСТ – 26167-84
10. Тановор конструкцияси – деталларни кўринадиган қирғоғи букиб ишлов берилади

6-жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	2	3	4	5	6
1	Бетлик	2	Бузоқ чарм	1,1	939-84
2	Дастак	4	Бузоқ чарм	1,1	939-84
3	Тилча	2	Бузоқ чарм	1,1	939-84

4	Бетлик астари	2	Тик-саржа	0,5	19169-84
5	Дастак астари	4	Қўй чарми	0,8	940-84
6	Тилча астари	2	Қўй чарми	0,8	940-84
7	Бетлик оралик астари	2	Бўз	0,5	17-21-92-84
8	Дастак оралик астари	4	Бўз	0,5	17-21-92-84
9	Тумшук ости	2	Термопласт	1,2	17-21-592-87
10	Бикр дастак	2	Чарм картон 3-1	1,9	17-22-85
11	Ички патак	2	Қўй чарми	0,8	940-84
12	Асосий патак	2	Қаттиқ чарм	2,2	1010-84
13	Ярим патак	2	Чарм картон С-1	2,0	17-112-84
14	Тўлдиргич	2	Картон П-1	2,2	17-21-94-84
15	Таглик	2	Қаттиқ чарм	3,4	1010-84
16	Пошна	2	Пластмасса	20,0	-

2-Модел паспорти

1. Пойабзал тури – туфли
2. Пойабзал жинси – аёллар
3. Қолип фасони – 813320
4. Бириктириш усули – елимлама
5. Устки материали – бузоқ чарм
6. Таглик материали – қаттиқ чарм
7. Пошна баландлиги – 30 мм
8. Артикул – шартли
9. ДАСТ – 19116-84
10. Тановор конструкцияси – “қайиқ” симон турида, деталларни кўринадиган қирғоғи букиб ишлов берилади.

б- жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	2	3	4	5	6
1	Бетлик	2	Бузоқ чарм	1,1	939-84
2	Дастак	2	Бузоқ чарм	1,1	939-84
3	Бетлик астари	2	Тик-саржа	0,5	19169-84
4	Дастак астар	4	Қуй чарм	0,8	940-84

5	Бетлик оралик астар	2	Бўз	0,5	17-21-92-84
6	Дастак оралик астари	4	Бўз	0,5	17-21-92-84
7	Ички патак	2	Қуй чарм	0,8	940-84
9	Тумшук ости	2	Термопласт	1,2	17-21-592-87
10	Бикр дастак	2	Чарм картон 3-1	1,9	17-22-85
11	Асосий патак	2	Қаттиқ чарм	2,2	1010-84
12	Ярим патак	2	Чарм картон С-1	2,2	17-112-84
13	Тўлдиргич	2	Картон П-1	2,2	17-21-94-84
14	Таглик	2	Қаттиқ чарм	3,2	1010-84
15	Пошна	2	Пластмасса	30,0	-

3-Модел паспорти.

1. Пойабзал тури –ботинка
2. Пойабзал жинси – ёш болалар
3. Қолип фасони – 242220
4. Бириктириш усули – елимлама
5. Устки материали – ярим тана
6. Таглик материали – полиуретан
7. Пошна баландлиги – 20 мм
8. Артикул – шартли
9. ДАСТ – 26167-84
10. Тановор конструкцияси – оёқ кафтида тасма ёрдамида махкамланади .

б- жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	2	3	4	5	6
1	Тумшук	2	Ярим тана	1,2	939-84
2	Дастак	4	Ярим тана	1,2	939-84
3	Гулчин	4	Ярим тана	1,2	939-84
4	Пистон ости	4	Ярим тана	1,2	939-84
5	Тасма 1,2	4	Ярим тана	1,2	939-84
6	Тилча	2	Ярим тана	1,2	939-84
4	Эркаклар ботинкаси	Бетлик астари	Сунъий мўйна	300	5,84	I	1168	Ш=150	76,5	1526,7	10,1
		Дастак астари	Сунъий мўйна	300	10,41	I	3123	Ш=150	76,5	4082,3	27,2
		Тилча астари	Сунъий мўйна	300	0,80	I	240	Ш=90	76,5	313,7	2,0
		Бетлик оралик астари	Бўз	300	5,1	I	1020	Ш=90	76,5	1333,3	14,8
		Дастак оралик астари	Бўз	300	6,97	I	1394	Ш=90	76,5	1822,2	20,2
		Ички патак	Сунъий мўйна	300	4,33	I	866	Ш=150	76,5	1132,0	7,0
5	Болалар этиги	Асосий астар	Сунъий мўйна	300	15,34	I	4602	Ш=150	76,5	6015,6	40,1
		Бетлик оралик астари	Бўз	300	2,48	I	794	Ш=90	76,5	5972,5	6,4
		Дастак оралик астари	Бўз	300	2,87	I	861	Ш=90	76,5	1125,4	12,5
		Ички патак	Сунъий мўйна	300	2,98	I	894	Ш=150	76,5	1168,6	12,9
6	Ўғил болалар этиги	Асосий астар	Сунъий мўйна	300	22,91	I	6723	Ш=150	76,5	8788,2	5,8
		Бетлик оралик астари	Бўз	300	3,37	I	1011	Ш=90	76,5	1321,5	14,6
		Дастак оралик астари	Бўз	300	5,91	I	1773	Ш=90	76,5	2317,6	25,7
		Ички патак	Сунъий мўйна	300	3,61	I	1083	Ш=150	76,5	1415,6	9,4

Изоҳ: Рулонлик материалга эҳтиёжини ҳисоблаганимизда пойабзал жинси ва тури, детал ва материалларни номини эътиборга олишимиз керак.

Ҳисоблардан кейин 21, 22, 23-жадваллар умумлаштирилиб 24-жадвалга ёзилади.

**Смена учун пойабзал устки деталларини материалга эҳтиёжини йиғма
жадвали.**

24-жадвал

№	Материал номи	Материалга эҳтиёж			
		Смена учун		Йилига	
		Дм ² , пог. метр	Чарм ёки рулон	Дм ² , пог. метр	Чарм ёки рулон
1	2	3	4	5	6
1	Бузоқ чарми	4554,2	50,6	–	12093,3
2	Ярим тана	11035,2	78,8	–	18838,6
3	Тана	15956,8	88,6	–	21175,4
4	Кўй чарми	9855	149,2	–	35671,1
5	Сунъий муйна	130,3	–	31141,7	–
6	Тик-саржа	31,2	–	7409,3	–
7	Бўз	164,9	–	39411,1	–

Изоҳ: Смена учун пойабзални устки деталларини йиғма жадвалларини ҳисоблаганимизда материални номи ва материалга эҳтиёжини смена ва йилига ҳисоблаймиз.

6. ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.

6.1. Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқаришда коммуникацион жараёнларнинг ўрни.

Бошқарув жараёни таҳлил қилишда кўрсатилишича коммуникация ва қарор қабул қилиш боғловчи жараёнлардир, чунки улар режалаштириш, ташкил этиш, мотивлаштириш ва назорат қилиш каби функцияларни боғлайди. Коммуникация раҳбар қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни оладиган, алмашадиган жараёндир. Агар коммуникация яхши йўлга қўйилмаса, қарорлар хато бўлиши мумкин, раҳбарият режасини одамлар тўғри тушунмаслиги ёки шахслараро муносабатлар бузилиши мумкин. Коммуникацияларни самарадорлиги асосан қарорлар сифатини аниқлайди, ҳатто уларни татбиқ этиши ҳам мумкин.

Бошқарув коммуникацияларини аҳамиятини баҳолаш қийиндир. Ташкилот мақсадига эришишни ташкил этишни енгиллаштириш учун маълумотларни самарали алмаштириш талаб қилинади. Агар одамлар маълумотлар алмашишни билмаса, улар бирга ишлай олмайдилар, мақсадни туза олмайдилар ва унга етиша олмайдилар. Аммо, коммуникация мураккаб жараён бўлиб, бир-бирига боғлиқ босқичлардан иборатдир. Фикримизни иккинчи бир одамга етказиш учун бу пунктга амал қилмаслик маъно йўқолади.

Раҳбар ташкилотни мақсадини тузиш ва унга эришиш учун ўзининг учта вазифасини бажариб, тўртта асосий функциясини амалга оширади, шунинг учун маълумот алмашув жараёни мақсадларни амалга ошириш даражаси таъсир кўрсатади. Бу эса индивидларни ва ташкилотларни муваффақияти учун самарали коммуникациялар катта аҳамиятга эгадир, аммо сўровлар натижасида 73% амералик, 63% инглиз, 25% япон раҳбарлари коммуникацияларни ташкилот самарасига эришиш асосий тўсиқлардан ҳисоблашади. Яна бир сўровда 2000 та турли компаниялардан олинган 250 минг хизматчилар маълумот алмашиш жараёни ташкилотнинг мураккаб муаммоларидан ҳисоблашишларини айтишди. Бу сўровлар самарасиз коммуникациялар муаммоларни юзага келишининг асосий

соҳалари эканлигини кўрсатади. Яхши, самарали менежер бўлиш учун биз самарасиз коммуникация ходисаларини камайтиришни ўрганишимиз, шахс ва ташкилот даражасида коммуникацияларни яхши билишимиз зарурдир. Ким коммуникацияларда самарали бўлса, булар самарали ишловчи раҳбарлардир. Улар коммуникация жараёнини маъносини биладилар, оғзаки ва ёзма муомила санъатини яхши эгалланган бўладилар, муҳитни маълумот алмашишга таъсирини биладилар.

Коммуникация жараёни -икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасидаги информация алмашув жараёнидир.

Коммуникация жараёнининг асосий мақсади-алмашув воситаси бўлган информацияни, яъни хабарни тушинишни таъминлаш. Информация алмашувни ўзигина эмас, алмашувда қатнашаётган одамларни самарали мулоқотини кафолатлайди.

Корхона ва ташкилотларда коммуникациянинг қуйидаги турлари бор.

1.Ташкилотлар ўртасидаги ва ташқи муҳитдаги коммуникациялар.

Ташкилот фаолиятига таъсир этувчи ташқи муҳит омилларини биз яхши биламиз. Ташкилотнинг коммуникация эҳтиёжлари бу омилларга боғлиқ бўлади. Ташкилот ўз ташқи муҳитини ташкил қилувчи коммуникация турли воситаларидан фойдаланилади. Мавжуд ва потенциал истеъмолчилар билан улар реклама ва маҳсуотларни бозорга ҳаракати дастурлари орқали хабарлашадилар. Жамоатчилик билан муносабатлар соҳасида асосий эътибор маҳалий, умуммиллий ёки халқаро даражадаги "имидж"ни, яъни маълум образни яратишга қаратилган. Ташкилотлар давлат томонидан тартибга солишга бўйсунуш шарт ва шу сабабли ёзма ҳисоблар тўлдирди. Компания ўзининг йиллик ҳисоботида молия ва меркетинг бўйича, жойлашиши, имтиёзлари, ўсиши ва ҳақозолар тўғрисида маълумот беради. Турли сиёсий гуруҳлар ва қўмиталарга ёрдам қилиш орқали ташкилот янги қарор ва қонунларни маъносига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Булар ташкилотни ташқи муҳит омиллари ва

ходисаларига мос ҳаракати усулдир. Муҳокамалар, йиғилишлар, телефон орқали сўзлашувлар, хизмат ёзишмалари, видеоленталар, ҳисоботлар ва шунга ўхшаш ташкилот ичичдаги муомала воситалари ташкилотларни ташқи муҳит томонидан пайдо бўлган муаммолар ва имкониятларга реакциясидир.

2. Ташкилотлар даражасидаги коммуникация.

Ташкилотлар ичида ахборотлар даражадан-даражага вертикал коммуникация ёрдамида ҳаракат қилади. У тушиб келиши, яъни юқори даражадан қуйигача узатилиши мумкин. қўл остидагиларга жорий масалалар, топшириқлар, йўналишлардаги ўзгаришлар ва ҳақозолар шу йўл билан узатилади.

Тушиб келувчи коммуникациялардан ташқари чиқиб борувчи коммуникациялар ҳам мавжуд. Информациyani қуйидан юқорига узатилиши унумдорликка катта таъсир кўрсатиш мумкин. Масалан, ишчилар томонидан янгиликларни яратиб, уларни раҳбарлар ҳукмига ҳавола этиб, унумдорлигини исботлашдир.

Чиқиб борувчи коммуникациялар, яъни пастдан юқорига, қуйи даражаларда бўлаётган ишлардан юқорини ҳабардор қилади. Шу йўл билан раҳбарият жорий ва юзага келаётган муаммолардан ҳабардор бўлади ва вазиятни яхшилашни мос вариантларини таклиф қилади. Чиқиб борувчи коммуникациялардаги сўнги бошқарув инновацияси -ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ёки истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш муаммоларини муҳокама қилиш ва хал қилиш мақсадида ҳафтасига 1 соатга тўпланадиган ишчилардан иборат гуруҳларни тузишдир. Чиқиб борувчи информацияларни алмашуви асосан ҳисоботлар, таклифлар ва тушунтириш хатлари усалида амалга оширади.

3. Турли бўлимлар орасидаги коммуникациялар.

Вертикал информациялар алмашувидан ташқари ташкилот яна горизонтал коммуникацияларга ҳам муҳтождир. Ташкилот кўплаб

бўлимлардан иборатдир, шунинг учун улар уртасида информация алмашуви зарурдир. Ташкилот бир-бирига боғлиқ элементлар системасидир, шу сабабли раҳбарият ихтисослашган элементларни ташкилотнинг зарур йўналишлари биргаликда ҳаракат қилишига эришиш лозим. Горизонтал коммуникациялардан кўшимча ютуқ ҳуқуқли муносабатларини шакллантиришдир. Бундай муносабатлар ташкилот ходимларининг қониқишларини муҳим ташкил этувчиси эканлиги исботлангандир.

4. Раҳбар бўйсинувчи коммуникация.

Ташкилотдаги коммуникацияларнинг энг муҳим қисми раҳбар ва унинг қўл остидаги муносабаталардир. Бу муносабатлар вертикал коммуникацияга мисол бўлса ҳам, биз буни алоҳида кўриб чиқамиз, чунки, у раҳбарни коммуникатив фаолиятининг асосий қисини ташкил этади. Бу фаолиятнинг 3/2 қисми бошқарувчи ва бошқарилувчи ўртасида бўлишини тадқиқотлар кўрсатгандир.

Раҳбар ва унинг қўл остидагилар ўртасидаги информациялар алмашувининг турлари топшириқларни аниқлаш; натижаларни аниқлаш; топшириқни бажаришга бўлимни жалб қилиш; тан олиш ва қизиқтириш мақсадида мукофотлаш; қўл остидагилар қобилиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш; муаммо тўғрида информациялар тўплаш; ўзгаришлар тўғрисида қўл остидагиларни хабардор қилиш; ғоя ва таклифлар тўғрисида маълумотлар олиш ва ҳақозолардир.

5. Раҳбарлар ва ишчи гуруҳ ўртасидаги коммуникациялар.

Раҳбар ва уни қўл остидагилар ўртасидаги информациялар яна бири раҳбар ва ишчи гуруҳлар ўртасидаги алоқалардир. Ишчи гуруҳлар билан раҳбарлар коммуникациялар ишчи гуруҳлар ҳаракатлари самарасини оширишга имкон беради. Бундай мулоқотларда гуруҳларнинг барча аъзолари қатнашадилар, шунинг учун уларнинг ҳар бири бўлимни янги масалалари тўғрисида фикр юритишга, биргаликда қандай ишлаш тўғрисида, кутиладиган ўзгаришлар ва уларни оқибатлари тўғрисида,

муаммолар ва ютуқлар тўғрисида рационализаторлик ҳарактеридаги таклифлар хусусида ўйлаш, фикр юритиш имкониятига эга бўладилар.

Ишчи гуруҳлари баъзида муоммоларни муҳокама қилиш, такомиллаштириш ёки кутиладиган ўзгаришларни муҳокама қилиш учун раҳбарларсиз тўпланадилар. Юқорида кўрсатилганидек, бундай тенг ҳуқуқли муносабатлар ходимларни ўз ишлардан қониқишларини оширишга имкон яратади.

6. Ноформал коммуникациялар.

Ноформал коммуникациялар йўналишини миш-мишлар тарқатиш йўналиши деб аташ мумкин. Бу бўлимга ўзининг коммуникацияларга бўлган қарашларини асос қилиб олган таниқли тадқиқодчи Кит Девис аниқлашича, бу терминни келиб чиқиши АҚШ даги граждандар уруши даврига тўғри келади. Дарахтлардан дарахтларга тортилган телеграф алоқаси симлари тоқлардаги зарпечакларга ўхшайди ва Шимол билан Жануб армиялари ўртасида телеграф орқали бериладиган маълумотлар кўп ҳолларда чалкаштириб берилади. Натижада нотўғри маълумотлар ва ахборотларни "миш- миш" сингари қабул қилади.

«Миш-мишлар» сувда совутилган автоматлар орасида йўлакларда, ошхоналарда ва гуруҳларда тўпланадиган бошқа жойларда айланади. Формал ахборотдан кўра миш - мишлар тез тарқалгани учун раҳбарлар информацияни режалаштирилган ҳолда тарқатишдан фойдаланадилар ёки "фақат ўртамизда қолиши керак" сингари маълумотларни тарқатадилар.

Миш-мишлар нотўғри информация манбаи эканлиги бугунги кунда ҳам сақланиб қолган. Аммо, ноформал маълумот йўналиши бўйича узатиладиган информация, яъни миш-мишлар тўғри келишини тадқиқотлар кўрсатмоқда. Девис тадқиқоти бўйича 80-99% тўғри келади. Унинг ҳисоблашича эмоцианал тарзда бириктирилган информацияларда аниқлик даражаси бундай бўлмайди. Девис таъкидлайдики: "Одамлар миш-мишларни ноаниқ информация сифатида қабул қиладилар, чунки реал хатолари кўпдир, кундалик аниқликлардан кўра.ъ, хотирага чуқурроқ

ўрнашади". Аниқлигидан қатъий назар, улар ижобий ёки салбий таъсир қилса ҳам, миш-мишларни таъсирини кўпчилик тан олади.

Информация алмашув жараёнида 4 та асосий элементни ажратиш мумкин.

1. Жўнатувчи, ғояни шакллантирувчи, информация тўпловчи ва уни узатувчи шахс.

2. Хабар, информация.

3. Канал, инфорацияни узатиш воситаси.

4. Қабул қилувчи, информаияни қабул қилувчи шахс.

Информация алмашувида жўнатувчи ва қабул қилувчи бир неча босқичларни ўтайдилар. Уларнинг мақсади хабарни тузиш, иккала тушунадиган ва ғояни тасдиқлайдиган каналдан фойдаланишдир. Бу жуда қийиндир, ҳар босқич бошланғич нуқта ҳисобланади, бу босқичларда маъно ўзгариши ёки бутунлай йўқолиши ҳам мумкин. Бу босқичлар куйидагилардан иборат:

1. Ғояни туғилиши.

2. Кодлаш ва канал танлаш.

3. Узатиш.

4. Кодни ёпиш, маъносини чиқариш.


Бу босқичлар 1-расмда коммуникация жараёнининг оддий модели куринишида келтирилган.

Шакллантиради
ёки танлайди.

Кодлайди ва
канал танлайди.

Канал орқали
узатади.

Кодни ёпади
Маъно-сини
чиқаради



1-расм. Информация алмашув жараёнининг оддий модели.

Коммуникация жараёнини кўп ҳолларда бир неча секунд этиши уни босқичларни ажратишни қийинлаштиради, биз мураккаб бўлишига қарамай ткрли нуқталарда қандай муаммолар бўлишини кўрсатиш мақсадида бу босқичларни таҳлил қиламиз. Бу таҳлил киноплёнкадаги қисқа куринишни диққат билан кўриш кабидир.

-ғояни туғилиши. Информациялар алмашуви ғояни шакллантиришдан ёки информация алмашувини танлашдан бошланади. ғояни ёки хабарни алмашув воситаси қилишни қандай аҳамияти борлигини жўнатувчи хал қилади. Афсуски, информация алмашувидаги ҳаракатлар

биринчи босқичдаёқ узилади. Чунки жўнатувчи ғояни ўйлашга етарли вақт сарф қилмайди.

-Кодлаш ва канал танлаш. ғояни узатишдан аввал жўнатувчи символлар орқали кодлаш зарур, бунинг учун сўзлардан ва ҳаракатлардан фойдаланиш зарур. ғояни бундай кодлаш, уни маълумотга айлантиради.

- Узатиш. Учинчи босқичда жўнатувчи маълумотларни жўнатиш учун каналдан фойдаланади. Маълумотни физик узатиш тўғрисида сўз бормоқда. Кўпчилик одамлар адашиб буни коммуникация жараёни сифатида қабул қиладилар. Узатиш эса муҳим босқичлардан биридир, ғояни бошқа шахсга етказиш учун шу босқичдан ўтади.

-Кодни ёпиш, маъносини чиқариш. Жўнатувчи томонидан жўнатилган маълумотни қабул қилувчи коддан чиқаради. Коддан чиқариш жўнатувчининг узатиш символларини кутиб олувчини ғоясига айланишидир. Агар жўнатувчи томонидан танланган символлар кутиб олувчи учун шундай аҳамиятга эга бўлса, кутиб жўнатувчи нимани назарда тутганини билади. Агар, ғояга реакция талаб қилинмаса, информация алмашуви жараёни тугайди.

Аммо баъзи ҳолларда, кутиб олувчи ёки жўнатувчи ўйлаган кутиб олувчи маълумотни, ғояни тўғри қабул қилса, жўнатувчи кутган ҳаракатларни қилса, информация алмашинуви муваффақиятли бўлади деб ҳисобланади.

Корхонада мактаб ёшидаги ўғил болалар қўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқаришда ҳам коммуникация жараёни алоҳида аҳамият касб этади. Юқоридаги фикрлардан маълумки, корхонада хом-ашёлар тўғрисида, турли харажатлар, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни, ходимларга иш ҳақлари тўлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш, ундан кўриладиган фойда ҳақидаги ахборотлар турли ишлаб чиқариш ва бошқарув даражаларида алмашилиб борилади. Бу ахборотларга асосланиб ишлаб чиқариш жараёни ташкил этилади, камчиликлар тўғриланади, ривожлантирилади, такомиллаштириб борилади.

Шунингдек, корхоналарда мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқариш кўп омилларга боғлиқ. Улардан энг асосийси, ботинканинг устки деталлари, размер ва детал андозаларини ўзаро жойланиши, устки қисмларига сорт услубига мос бўлган ишлов бериш усуллари, унга сарф бўлган материал миқдори, таглик қисми ва ботинканинг ташқи қиёфаси билан белгиланади. Материал сарф бўлишига ботинканинг размери, баландлиги, ташқи қиёфасига ишлов беришдаги қўшимчалар ва чоклар жуда катта таъсир қилади.

Хом ашёдан мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини лойиҳалашда иш ҳажмига устки ва ички деталларни конструкцияси жуда катта аҳамиятга эга. Тикиш деталларини сони камайган сари, бичиш ва тикиш цехларини иш унумдорлигини ошади. Тикиш деталларини сони ошган сари, тикиш цехидаги меҳнат ҳаражатлари пропорционал равишда ошади.

Корхона асосан ишлаб чиқарадиган маҳсулот турига қараб республика миқёсидаги улгуржа ва чакана бозорларидан турли хил табиий чарм, мўйна, кигиз, намат, замш (бахмал чарм), лайка (майин тери), балиқ териси, тикувчилик ва атторлик буюмлари, жилдлаш ва қоплаш мақсадларидаги буюм учун юмшоқ сунъий чармларни, ҳамда пойафзалларнинг резина таглиги, ички қисмлари учун қаттиқ сунъий чарм, газмол, аралаш матоли, миллий, ортопедик пойафзаллар ва тагчарми чарм, чарм ўрнини босувчи материаллар, иплар, патак, замог ва шу каби пойабзал ишлаб чиқариш соҳаси хом-ашёсини сотиб олиб, тайёр оёқ кийимлар тикиб чиқаради. Бозордаги рақобатбардош корхоналарни маҳсулотларини таҳлил қилиш асосида, бозордаги таклиф ва талабни чуқур ўрганган ҳолда ишлаб чиқариш, аҳолини шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириб боришга асосланган.

Қуйида ботинканинг технологик жараёнларини лойиҳалашда хомашё ва материалларни камайтирилди, самарадорлиги аниқланди. Бу

кўрсаткичларни қуйидаги жадвал ёрдамида ҳисоб-китоб қилиб кўриб ўтамиз.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Бир ойлик ишлаб чиқариш	Бир йиллик ишлаб
Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси	дона	1 200	14 400

Корхона бир ойда 1200 та ботинка ишлаб чиқаришни, бир йилда эса 14 400 та ботинка ишлаб чиқаришни режалаштирган. Маҳсулот ишлаб чиқаришда унга бир неча турдаги хомашё сарф қилади. Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини тикиш учун материал, ип, астарлик, олди қотирма, таглик ва бошқаларни ишлатади. Ушбу маҳсулотга сарфланадиган жами харажатлар қуйидагича ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир ойлик ва бир йиллик сарфланадиган хом-ашё харажатлари

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи	Бир дона маҳсулот тайёрлаш учун сарф миқдори, сўм	Бир ойлик сарф харажат, сўм	Бир йиллик сарф харажат, сўм
Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси	30 000	36 000 000,0	432 000 000,0

Жадвал маълумотларидан маълумки, корхона бир ойда маҳсулот ишлаб чиқариш учун 36,0 млн сўм, бир йилда эса 432,0 млн сўм хомашё харажатларини қилади.

Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқаришда энергия таъминоти ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ресурссиз ишлаб чиқаришни ташкил этиб бўлмайди. Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бир ойда 5500 кВт электр энергияси сарфлайди. Таҳлилиминизни қуйидаги жадвал маълумоти асосида давом эттирамыз.

Ушбу харажатни қуйидаги жадвалда кўриб ўтамиз:

№	Коммунал харажат номи	Ўлчов бирлиги	Нархи, сўм	Бир ойлик сарф харажат	Бир ойлик сарф харажат,	Бир йиллик сарф харажат, сўм
---	-----------------------	---------------	------------	------------------------	-------------------------	------------------------------

				миқдори, кВт	сўм	
1	Электр энергия	кВт	155,0	5 500	852 500,0	10 230 000,0

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир ойда 852,5 минг сўмлик, бир йилда 10,23 млн сўмлик электр-энергияси сарф қилади. Шунингдек, корхонада ишлаётган ходимларни иш ҳақлари билан таъминлаб борилади. Ишчи-ходимлар учун бериладиган иш ҳақи кўрсаткичини қуйидаги жадвал ёрдамида ёритиб ўтамыз.

Корхона ходимлари бирлиги ва ойлик иш ҳақлари

№	Лавозими	Ставка	Ойлик иш ҳақи, сўм
1.	Раҳбар	1	1 250 000
2.	Бухгалтер	1	800 000
3.	Упаковчик	1	1 000 000
4.	Бичувчи – конструктор	2	1 600 000
5.	Тикувчи- технолог	2	1 600 000
6.	Сотувчи	1	800 000
Жами:		8	7 050 000

Жадвал маълумотларидан маълумки, корхонада жами 8 та штат бирлиги бўлиб, улар- раҳбар, бухгалтер, упаковщик, бичувчи конструктор, тикувчи-технолог, сотувчилардан иборат. Жами ишчи ходимларга бир ойда 7 ,05 млн сўм ойлик маош берилади.

Корхонада ишлаб чиқарилган мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси маълум даражада корхона фойдасини қўшган ҳолда сотувга чиқарилади. Ушбу маҳсулот реализациясидан корхона қуйидагича ойлик ва йиллик тушум қилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш хажми

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи, сўм	Бир ойда тайёрланган маҳсулот миқдори, дона	Бир ойлик тушум, сўм	Бир йилда тайёрланган маҳсулот миқдори, дона	Бир йиллик тушум, сўм
Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси	дона	55 000,0	1200	66 000 000,0	14 400	792 000 000,0

Корхона бир ойда 66,0 млн сўмлик, бир йилда 792,0 млн сўмлик маҳсулот сотишдан тушум кўради. Ушбу корхонани маҳсулот сотишдан тушган тушум таркибида ялпи фойда бўлиб, у қуйидагича шаклланиши

Корхона фойдасини шаклланиши

№	Харажат номи	Бир ойда, сўм	Бир йилда, сўм
1	Хом ашё	36 000 000,0	432 000 000,0
2	Электр энергия харжатлари	852 500,0	10 230 000,0
3	Кўзда тугилмаган ва транспорт	200 000,0	2 400 000,0
4	Маҳсулот тикиш учун меҳнат ҳақи	7 050 000,0	84 600 000,0
5	Ишлаб чиқариш таннари	44 102 500,0	529 230 000,0
6	Ишлаб чиқаришдан тушган тушум	66 000 000,0	792 000 000,0
7	Фаолиятдан кўрилган ялпи фойда	21 897 500,0	262 770 000,0

Жадвал маълумотларидан маълумки, корхонанинг ялпи фойдаси бир ойда 21,9 млн сўмга, бир йилда эса 262,7 млн сўмга тенг бўлади. Бу кўрсаткич корхонани мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқаришга қилинган –хомашё, электр энергияси, транспорт, меҳнат ҳақи ва бошқа кўзда тугилмаган харажатларнинг жамини маҳсулотни сотишдан кўрилган тушумдан айирмасига тенгдир.

Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасидан кўрадиган даромад

(сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллик
Ялпи тушум	792 000 000,0
Харажат	529 230 000,0
Ялпи фойда	262 770 000,0

Корхона кўрган ялпи фойдадан соф фойда шаклланиб, рентабеллик кўрсаткичини аниқлашимиз мумкин.

Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

(сўм ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	Йиллик
1.	Ялпи тушум	792 000 000,0
2.	Тўла таннари	529 230 000,0
3.	Ялпи фойда	262 770 000,0
4.	Солиқ тўлови	13 138 500,0
5.	Соф фойда	249 631 500,0
6.	Сотиш рентабеллик	33,18
7.	Ишлаб чиқариш рентабеллиги	47,17

Сотиш рентабеллиги

$$P=(ЯФ/ЯТ)*100 \% = (262\,770\,000,0 / 792\,000\,000,0) * 100 \% =33,18 \%$$

Ишлаб чиқариш рентабеллиги

$$P=(СФ/ИЧХ)*100 \%= (249\,631\,500,0/529\,230\,000,0)*100 \% =47,17\%$$

Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини технологик жараёнларини лойиҳалаш самарадорлигини ҳисоблаб чиқилди. Кўрсаткичларга кўра, йил якунида корхонанинг соф фойдаси 249 631 500,0 сўмга тенг бўлади, сотиш рентабеллиги 33,18 фоизга, ишлаб чиқариш рентабеллиги 47,17 фоизга етади. Демак, мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси конструкциясини ишлаб чиқиш ва моделлаштириш ҳисоб-китобларга кўра ўзини оқлайди.

7. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ.

7.1. Пойафзал ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган моддаларнинг хусусиятлари.

Ёнғинни ўчиришдаги у ёки бу йўллари танлаш, шунингдек ёнғинни ўчириш воситалари ва уларни ташувчилари (ёнғинга қарши техникалар) ни танлаш ҳар бир аниқ ҳолат учун ёнғинни ривожланишига, унинг кўламига ва моддалар ва воситаларнинг ёниш хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Ҳар қандай ёнғинни унинг дастлабки босқичида ўчириш осон кечади. Бунинг учун алангани ўраб олиб, ривожланиш миқёсини чеклаш керак бўлади. Алангани дастлабки босқичида уни ўраб олиб ўчиришнинг самарали бўлиши, ёнғинни ўчиришга мос бўлган воситаларнинг мавжуд бўлишига, барча ишчилар улардан фойдалана билишларига, ҳамда ўт ўчирувчиларни чақириш учун ёнғинни хабарловчи ва алоқа воситалари бўлишига ва автомат ва кўлаки ўчириш воситаларини қўлланилишига боғлиқдир.

Сувнинг ўтти ўчириш хусусияти. Бошқа ўт ўчириш воситаларига нисбатан сувнинг иссиқлик сиғими жуда катта ва кўпчилик ёнувчи моддаларни ўчириш хусусиятига эга: 1 л сувни 1^0 дан 100^0 гача иситиш учун 419 кЖ иссиқликни ютади, буғланишида эса - 2260 кЖ иссиқликни ютади. Сувнинг иссиқликка бардошлилик хоссаси юқори ва у кўпчилик ўтти ўчирувчи моддалардан ортиқ бўлиб, $1700\text{ }^0\text{C}$ ни ташкил қилади. Бундан ташқари сув уч хилдаги ўт ўчириш хоссасига эга: алангаланиш зонасини ёки ёнувчи моддани совитади, ёниш зонасидаги ташкил этувчи реогентларни аралаштиради, ёниш зонасидан ёнувчи моддани ажратиб чегаралайди.

Ўт ўчирувчи кўпиклар. Енгил алангаланувчи суюқликларни ўчириш учун газ билан суюқликдан иборат бўлган кўпик ишлатилади.

Зичлиги $0,1-0,2 \text{ г/см}^3$ бўлган кўпик ёнувчи суюқликлар сиртида ёйилади, суюқликни алангадан чегаралайди ва ёниш зонасига буғларнинг кириб келиши тўхтатилади; шу билан бир вақтда суюқликни совитади.

Ёнғинларни ўчиришда барқарор кўпиклардан фойдаланилади. Бундай кўпикни ҳосил қилиш учун сувга 3-4% миқдори қўшилса бўлади. Ўт ўчирувчи кўпикларнинг кимёвий ва ҳаволи-механик хиллари кенг қўлланилади.

Кимёвий кўпик асосан, кўлда ишлатиладиган ўт ўчиргичларда қўлланилади, кўпикни карбонат ёки бикарбонатни кислота билан ўзаро аралашмасидан кўпикка айлантирувчи иштирокида ҳосил қилинади. Бундай кўпикларни кўчма эжекторли кўпикгенераторларда кўпик кукуни ва сувни аралаштириб ҳосил қилинади. Кимёвий кўпикни ёнувчи суюқликларнинг сиртида ёйилиши туфайли аланга таъсирида бузилмайдиган, барқарор 7-10 см қалинликдаги кўпик қопланади.

Ҳаволи-механик кўпик – ҳаво, сув, сувнинг сиртки тортиш хусусиятини сўндирувчи фаоллашувчи моддалардан иборат аралашмадир. Ҳаволи-механик кўпикни оддийси ўзида 90% ҳаво ва 10% - 12 марта кўпиклантирувчи бўлган сувли қоришмадан ва 100 марта кўпик ҳосил қилувчиси бўлган 99% ҳаво, 1% сув ва 0,04% кўпиклантирувчидан иборат бўлади.

Ҳаволи-механик кўпикни алагага таъсир этиш хусусияти ёнаётган моддани ўраб олиб совутишидадир. Ёнаётган суюқликнинг сиртида кўпик барқарор қобик ҳосил қилиб, 30 дақиқагача ўз мустаҳкамлигини сақлаб тура олади. Бу вақт ҳар қандай диаметрдаги резервуарда сақланаётган енгил алангаланувчи суюқликларни ўчиришга етарли бўлади.

Ҳаволи-механик кўпик одамлар учун зарарсиз, металлларни коррозияга учратмайди, электр ўтказувчанлиги йўқ ҳисоби ва жуда ҳам иқтисодий самаралидир. Ҳаволи-механик кўпикдан ёнувчи қаттиқ моддаларни (ёғоч ва бошқа ашёларни) ўчиришда ҳам қўлланади. Ёғоч конструкциялари кўпик билан қопланса 40 дақиқагача нурли энергия

таъсирига чидайдди, ваҳоланки ҳимояланмаган очиқ ёғоч конструкциялари 15 дақиқада алангаланади.

Кўпик ҳосил қилувчи аралаштиргич каллакли махсус аралаштиргичи бўлган спринклер ва дренчер автомат қурилмалари ҳаволи-механик кўпиклар билан ёнғинларни ўчиришда қўлланилади. Кўпик ҳосил қилувчи қурилмалардан чакнаш ҳарорати 28°C бўлган буғлар қайта ишланадиган корхоналардаги, ҳамда енгил алангаланадиган суюқликларни, қаттиқ ёнувчан материаллар ва буюмларнинг ёниш жарёнидаги алангасини ўчиради.

Инерт газлар ёрдамида ўт ўчириш. Инерт газлар (CO_2 ва N_2) ва сув буғи ёнувчи буғлар ва газлар билан тезда бирикади. Ушбу жараёнда кислороднинг концентрациясини пасайтиради, ҳамда кўпчилик ёнувчи моддаларнинг алангаланишини тўхтатади.

Карбонат ангидрид ёнғинни тез (2-10 сонияда) ўчириш учун кенг қўлланилади, айниқса алангаланаётган унча катта бўлмаган сиртларни ўчиришда, ваҳоланки углерод икки оксиди электр токини ўтказмаслигидан ички ёнув двигателларини, электр двигателларини, ва бошқа электр қурилмаларини, ҳамда енгил алангаланувчан суюқликларни алангаланиши ва портлашини, ёнувчи чангларни (масалан кўмирни) қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш вақтида ёнғинни олдини олиш учун ишлатилади.

Углерод икки оксиди ёрдамида ёнғинларни ўчириш учун автоматик бир жойда турғун ишлатиладиган, кўчма қўлаки ва ҳаракатланадиган ўт ўчириш қурилмалардан фойдаланилади.

Қаттиқ ўт ўчириш моддалари. Сув ва бошқа ўт ўчириш воситалари билан ўчириш мумкин бўлмайдиган, унча катта бўлмаган ёнғинларни ўчиришда кукинсимон қаттиқ моддалардан фойдаланиб ўчирилади. Бундай моддаларга хлорли ишқорлар ва ишқорли-тупроқли металллар (флюслар), альбюмин бирикмали моддалар, сульфит ишқорларини буғлантириб қайта ишлагандаги қуруқ қолдиқлари, қаттиқ углерод икки оксиди, кум ва тупроқ бўлиши мумкин. Кукунсимон ўт ўчириш

воситаларининг ўт ўчириш хусусият, уларнинг хусусий массаси таъсирида ва айниқса ёниш жараёнидаги эриб, сиртда юпқа парда ҳосил қилиши орқали, алангаланиш зонасини қоплаши туфайли ёнувчи моддани чегаралаб қўяди.

Кукунсимон ўт ўчириш моддаларини алоҳида қутиларга ёки пақирларга жойлаштириб сақланади. Кукунни белкурак ёки хокандозсимон курак ёрдамида ёнаётган модда устига бир неча сантиметр қалинликда ёйиб чиқилади. Бундай усул билан ишқорли, ишқорли-тупроқли металллар, термит ва шунга ўхшаш моддалар алангаси ўчирилади.

Ёнғинга қарши сув таъминоти.

Меъёрлар бинода бўлиши мумкин бўлган ёнғинни ўчириш учун етарлича ички сув таъминоти тизими яратилиши кераклигини кўрсатиб қўйибди. Сув ўт ўчириш воситаси сифатида ёнғин, портлашга ва алангани тарқалишига сабаб бўладиган ёнғинга чидамлиги даражаси I ва II бўлган, бино ҳажмидан қатъий назар, ёнғинга хавфлилиги Г ва Д тоифали ишлаб чиқариш биноларининг ёнғинга чидамлилиқ даражаси III бўлган ва ёнғинга хавфлилиги худди шундай тоифада бўлган, ҳамда ҳажми 1000 м³ дан ошмайдиган ишлаб чиқариш биноларидан ташқари барча биноларнинг ҳар қандай ҳолатида ёнғинга қарши сув тизими билан таъминланиши керак.

Ички ёнғин кранларининг эҳтиёжига сарфланадиган сув миқдори, битта ёки иккита оқимга мўлжалланиб узатиш шароитига ҳисобланади. Ҳар бир оқимнинг унумдорлиги 2,5 л/с бўлиши керак.

Ички ёнғин кранлари бинонинг бемалол бориш мумкин бўлган ва кўриниб турадиган (кириш жойларида, зина катагида, йўлакларда) жойларида ўрнатилади. Ёнғин енги (шланг)нинг узунлиги 10 ёки 20 м қабул қилинади.

Пойафзал ишлаб чиқариш саноат биноларида ҳисобий сув сарфи биноларнинг ёнқинга чидамлилиқ даражасига, ҳажмига ва ёнқинга хавфлилиқ тоифасига кўра қабул қилинади

Бинонинг ёнқинга чидамлилиқ даражаси	Ишлаб чиқаришнинг ёнқинга хавфлилиқ тоифаси	Бинонинг 1000 м ³ ҳажмига кўра, 1 ёнқин учун л/с ҳисобидаги сув сарфи						
		3 гача	3 дан 5 гача	5 дан 20 гача	20 дан 50 гача	50 дан 200 гача	200 дан 400 гача	400
I ва II	<i>Г, Д</i>	10	10	10	10	10	20	25
I ва II	<i>А, Б, В</i>	10	10	15	20	15	35	40
III	<i>Г, Д</i>	10	10	15	25	-	-	-
III	<i>В</i>	10	15	20	30	2	2	-
IV ва V	<i>Г, Д</i>	10	15	20	30	-	-	-
IV ва V	<i>В</i>	15	20	25	-	-	-	-

Биноларнинг ёки уларнинг ёнқинга қарши деворлари билан чегараланган қисмларига сув сарфи энг кўп сарфланиши ҳисобидан қабул қилинади. Сув қувурларининг диаметри бинолар қайси сув тармоғига боғланганлигига қараб танланади. Корхоналарнинг ҳудуди 150 га ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоблашлар иккита ёнқин бўлиш эҳтимолидан келиб чиққан ҳол учун энг катта сув сарфига қабул қилинади.

Ташқи ёнқинни ўчиришга сув узатиш вақти 3 соатга мўлжалланиб қабул қилинади.

Ташқи сув таъминоти тизими талабга жавоб беришининг асосий шартларидан бири шуки, сув тармоғида етарлича сув босими бўлишининг ёнқинни дастлабки босқичида таъминланишидир. Бундай босим сув минорасининг доимий ҳолатда насослар ва пневматик қурилмалар ёрдамида босимининг ушлаб турилишига боғлиқ бўлади. Ушбу босим кўп ҳолларда ички ёнқин кранларининг иш шароитларига боғлиқ равишда аниқланади.

Ташқи ёнғинларни ўчиришда ёнғинга қарши сув таъминоти тармоғи тизимида ҳосил қилинадиган босимга кўра икки хил- ёнғинга қарши юқори босимли ва паст босимли сув таъминоти тармоғи тизимларига бўлинади.

Юқори босимли сув таъминоти тармоғи тизимларидаги ёнғин пайтида турғун ишловчи насослари, ёнғинни ўчириш учун қўшимча келтириладиган насосларсиз гидрантларни етарлича босимда бемалол ишлашларини таъминлаши талаб қилинади. Бу пайтда ёнғин гидрантларининг босимлари бино ва иншоотларнинг энг баланд нуқтасида жойлашган учлигининг диаметри 19 мм бўлган ёнғин стволидан отилиб чиқувчи 10 м баландликдаги ихчам сув оқимини ҳосил қилиши учун етарли бўлиши керак. Сув диаметри 66 мм ва узунлиги 125 м бўлган чизикли энг ёрдамида узатилади.

Паст босимли сув таъминоти тармоғи тизимларидаги босим, энг узок нуқтадаги ва баландда жойлашган ёнғин гидрантидаги босими кўчириб келтириладиган насослар билан сувни олишга етарли бўлиши керак. Бунинг учун сув таъминоти қувурли тизимидаги босим горизонтал участкаларда 10 м босимни ва алоҳида яъни ноқулай участкаларида эса 7 м босимга эга бўлиши керак.

Сув таъминотининг қувурли тизимдан сувни олиш мақсадида ёнғин гидрантлар ўрнатилади. Ушбу гидрантлар орасидаги масофа 150 м, гидрантлардан энг узокда жойлашган хизмат қилинадиган биногача бўлган масофа, юқори босимли сув таъминоти тизимларида 120 м дан ошмаслиги ва паст босимли сув таъминоти тизимларида 150 м дан ошмаслиги керак. Гидрантларни бино четидан 5 м масофадан яқин бўлмасликлари ва йўл четидан 2,5 м масофадан кам бўлмаслиги ҳисобидан жойлаштирилиши керак.

Сувни ёнғин вақтида уни ўчириш учун ишончли узатиш муҳим аҳамиятга эга.

Сув таъминти тармоғининг қувурларини диаметрини танлашда нафақат ёнғин таъминтидаги эҳтиёжи кўзда тутилади, балким ичимлик, хўжалик ва технологик эҳтиёжларга сарфланадиган сув талабларининг энг юқори миқдори ҳам ҳисобга олинади.

Худудининг иайдони 20 га дан ошмайдиган ёнғинга хавфлилик тоифалари *B*, *Г*, ва *Д* бўлган корхоналар учун, агар ёнғинга сарфланадиган сув унумдорлиги 20 л/с бўлса, ёнғинга қарши сув тармоғи тизими ўрнига, ёнғинга қарши сув ҳовузлари ёки резервуарлардан фойдаланишга йўл қўйилади. Бунда мотопомпа ва ёнғин автомобилларининг бу иншоотларга эркин кириб келиши учун шароит яратилган, яъни йўл билан таъминланган бўлиши керак. Саноат корхонаси ёки қурилиш участкаси ёнида оқар сув – дарё, кўл мавжуд бўлиб уларга келиш учун йўл бўлиши ва улардан ёнғинга қарши сув таъминоти учун фойдаланиш мумкин. Биноларга хизмат қилиш радиуси: кўчма сув помпалари учун -100 мдан ошмаслиги, тиркамали сув помпаларида ва автоцистерналар учун-200 м бўлиши керак.

Сув ҳовузлари ва резервуарларни тўлдириш учун сув манбаи 250 м масофада бўлиши керак.

Спренклер ва дренчерли қурилмалар сувни сачратиб ёнғинни ўчирадиган автоматик воситаларига киради.

Спренклер қурилмалари уч хил бўлади: сув билан ишловчи, сув-ҳаволи ва ҳаволи. Иситилмайдиган хоналарда ҳаволи тизимда яъни сиқилган ҳавода ишловчи спренклер қурилмалари ишлатилади.

Сув тизимида ишловчи спренклер қурилмалари тарқалувчи қувурлардан иборат бўлиб, уларда ёнувчи материаллар 2000 кг/м³ ва ундан катта бўлган ёнғинга юқори хавфли хоналарда суғориш майдони 9 ва 12 м² майдонни ташкил қиладиган қилиб спренклерлар жойлаштирилади. Спренклер каллагидаги чиқиш тешиги одатдаги пайтда енгил эрувчан қулф билан маҳкамланади.

Ҳарорат кўтарилиши билан эрувчан қотишма эрийди, қулф қисмларга ажралади, шиша клапанни озод қилади ва сувнинг йўлини

очади. Қулфнинг япроқларини бирлаштирувчи қотишманинг эришини 72, 93, 141 ва 182⁰С ҳароратларга ҳисобланади.

Амалиётдан маълумки ёнғинни ўчиришда қолланиладиган ушбу тизимдаги 90% ёнғинларни муваффақият билан ўчирилган. Аммо спренклер каллаги юқори ҳароратнинг 2-3 дақиқасидан кейин очилишини ҳисобга олсак, бу вақт ёнғин пайтида ноқулайликни келтириб чиқаради. Шунини ҳисобга олиб, бундай пайтларда дренчерли қурилмалардан фойдаланиш афзалликларга эга бўлади.

Дренчерли қурилмаларининг гуруҳли ишлайдиганлари қувурларда ораёпмаларнинг остига ўрнатилади. Дренчерларнинг каллаги қулфсиз ўрнатилиб, сув ҳеч қандай тўсиқсиз чиқиб кета олади. Одатий ҳолатларда дренчерлар гуруҳи бошида клапанлар орқали ёпиб қўйилади. Қурилмалар комбинациялашган ҳолатда ишлайди; автоматик тарзда ва қўлда.

Гуруҳли дренчер қурилмаларидан масофали ёки қўл билан бошқариладиган сувли пардалар ҳосил қилинади. Технологик мақсадларда, очиқ эшикларни, деразаларни ҳимоялаш учун, ҳамда цехда алангани қўшни хоналарга тарқалиб кетмаслиги ва уни чегаралаш учун ҳам дренчерлар ишлатилади.

8. Якуний қисм

8.1. Хулоса ва тавсиялар

Битирув малака ишида мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси деталларини конструкциялаш, бичиш, қирқиш, тановор ва пойабзални тикиш учун дизайн ишларини ботинкани устки, астарлик, оралиқ ва таглик деталларини эскизини моделини чиздим.

Конструкторлик ишларини кўнжсиз ботинкани асосий астарини тумшук қисмини лойиҳалаганимда, устки қисмдан 5-7 мм тумшук қисмида ва тортиш қирғоғидан ҳам 5-7 мм қисқароқ чиздим. Бундан мақсад тумшук ва аҳм қисмида тановорни тортганда асосий астар ғижимланмайди олдин асосий астарни тортиш қирғоғидан бутун периметр бўйича қисқартирилиб чизилади. Бундай асосий астарни қолипга тортганда чиқимлар кўп бўларди, натижада пойабзални ишлатганда таглик қисмида қулайлик йўқоларди ва пойабзални ташқи кўринишини бузилишига сабаб бўларди.

Пойабзал технологияси ишларида корхона ассортиментини танланди, танланган ассортиментга размер-тўлалик ишларини ҳисоб-китоб ишларини бажарилди. Сўнг бичиш, қирқиш ва ишлов бериш, тановорни ва пойабзални йиғиш технологик жараёнларини тузиб чиқдим. Конструкторлик ва технологик жараёнларни бажарганимдан кейин материалларни сарф меъёрини ҳисоблаб чиқдим.

Менинг битирув маакавий ишимни пойабзални конструкциялари, пойабзал технологияси ва амалиёт ўтишда коллеж ўқувчиларига ўргатишга, пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарида тадбиқ қилишга таклиф қиламан.

Ўқувчиларга корхонада ишлаб чиқарилган моделларни замон ва истеъмолчи талабига мос келадиган ассортимент танлаганман. Хар бир ассортиментга модель паспорти, материални бичиш ва қирқиш жараёни, танаворни йиғиш технологик жараёнини, пойабзални йиғиш технологик жараёнини туздим. Материалга эҳтиёжни, пойабзални ўртамиёна

майдонини, қоплаш баланси, чармга ўриндош суъний ва синтетик материалларга эҳтиёжи, бичиш комбинацияларини туздим.

Битирув малака ишини ижобий томонлари материалларни бичишда нормативдан энг оптимал бичиш фоизларини олинди. Тановорни йиғув цехида тановорга тумшук ости қўйиб, тановорга олдиндан шакл бериш жараёни қўшилди. Аввал бу жараён пойабзални йиғиш цехида бажарилар эди. Тановорга олдиндан ишлов бериш жараёни қуйдаги натижаларни берилди: цехдаги майдон ва ишчи кучи қисқартирилди.

Ижтимоий-иқтисодий қисмда мактаб ёшидаги ўғил болалар қўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқаришда коммунацион жараёнларнинг ўрни хақида маълумотлар келтирдим

Меҳнат муҳофазаси қисмида пойафзал ишлаб чиқариш корхоналари энгинни ўчиришда қўлланиладиган моддаларнинг хусусиятларини ўргандим.

9. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. -Т.: «Ўзбекистон». 1996. Том 2, 3-36 бетлар.
- 2.Каримов И. А. Ўзбекистон ХХ1 асрга интилмоқда. –Т.: “Ўзбекистон“. 2000. 352 бет.
- 3.Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2015 йил 26 январ. «Халқ сўзи», 2015 йил, 27 январь.
- 4.«Справочник обувщика» (Проектирование обуви. Материалы). М.1987г.
5. А.А. Хайдаров. «Чарм буюмларини конструкциялаш» Т. 1999й.
6. В.М.Ключникова. «Практикум по конструированию изделий из кожи».М.1987 г
7. Ю.П.Зибин. «Конструирование изделий из кожи» М. Лёгкая индустрия». 1982 г.
8. «Пойабзал ДАСТлари», ДАСТ 19116-84, ДАСТ 26165-84 ва бошқалар.
- 9.С.Мақсудов. «Чарм буюмлар технологияси» Т. 2004 й.
- 10.В.А.Фукин, А.Н.Калита. «Технология изделий из кожи» Част-1. М.1988г.
- 11.В.А.Раяцкас, В.П.Нестеров. «Технология изделий из кожи» Част-2. М.1989
- 12.«Справочник обувщика» (Технология) М.1989г.
- 13.«Технология производства обуви» Часть 1-7. М.1978г.
- 14.Экономика предприятия. Под ред. проф. Грузинова В.П.- М.: «ЮНИТИ», 1998

15. Экономика предприятия. Под ред. проф. Горфинкеля В.Я., Купрякова Е.М. –М.: «ЮНИТИ», 1996

16. Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни. –Тошкент: “Шарқ”, 1993 й.

17. Отахонов М. Қурилишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси. -Тошкент: «Меҳнат», 1991 й.

18. Пчелинцев и др. Охрана труда в строительстве. -Москва; 1991 г.

19. Ёрматов, Исамухаммедов Ё. Меҳнатни муҳофаза қилиш (Дарслик). -Т.: “Ўзбекистон” 2002.

Интернет сайтлар:

Московская специализированная выставка обуви: www.mosshoes.com;

Shoeinfonet - Авторитетный обувной сайт: www.shoeinfonet.com;

Всероссийский обувной сервер: www.obuv.ru;

Обувной сервер: www.shoesonthenet.com;

Обувной сервер: www.shoeworld.com;

Российский союз кожевников: www.souzkogevnikov.ru;

ISO-Международная организация по стандартизации:

www.iso.ch/iso/en/ISOOnline.frontpage;

Интернет-журнал " Oberon.ru ". Все новости моды. Фоторепортажи со всех

подиумных событий Москвы. Базы моделей, модельеров, фотографов.

Каталог магазинов: <http://www.oberon.ru>

МУНДАРИЖА:

I. Кириш	5
I.1. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти.....	9
I.2. Битирув малака ишининг мақсад ва вазифалари.....	9
I.3. Битирув малака ишининг объекти.....	10
1.4. Битирув малака ишидаги илмий янгиликлар ва кутилаётган натижалар.....	10
I.5. Битирув малака ишининг амалий аҳамияти.....	10
I.6. Битирув малака ишининг тузилиши.....	10
2. Асосий қисм.....	11
2. Буюм дизайни.....	11
2.1. Замонавий моделни тенденциялари.....	11
2.2. Лойиха эскизи.....	11
2.3. Янги моделларни эскизини тайёрлаш	12
2.3.1. Моделни ташқи кўришини тавсифи	13
3. Буюм материалларини конфекциялаш	15
4. Конструкциялаш қисми	16
4.1. Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини сиртқи деталларини лойихалаш.....	16
4.1.1. Астарлик деталларини лойихалаш.....	18
4.1.2. Оралиқ деталларни лойихалаш	20
4.2. Мактаб ёшидаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкасини таг деталларини лойихалаш.....	21
4.2.1. Асосий патакни лойихалаш	22
4.2.2. Тагликни лойихалаш.....	23
4.2.3. Қўйгич ва тўлдиргичларни қуриш.....	26
4.2.4. Ич патак, ярим ич патак ва товон ости ич патакларини қуриш.....	26
4.2.5. Бикр дастакларни лойихалаш.....	27
4.2.6. Тумшуқ остини қуриш.....	28
5. Технология қисми.....	29

5.1. Корхона ассортименти.....	29
5.1.1. Ассортименти танлаш ва асослаш	29
5.1.2. Ўлчам-тўлалик ассортиментини ҳисоблаш.....	30
5.1.3. Лойиҳаланаётган буюмни техник тавсифи. Модел паспортини тузиш.....	33
5.2. Материалларни бичиш ва қирқиш технологик жараёнларини тузиш ва асослаш. Жихоз танлаш.....	40
5.3. Буюм деталларига ишлов бериш технологик жараёнларини тузиш ва асослаш.....	44
5.4. Тановарни йиғиш схемасини ва технологик жараёнини тузиш. Жихоз танлашни асослаш.....	49
5.5. Пойабзални йиғиш технологик жараёнини ва схемасини тузиш. Жихоз танлашни асослаш.....	54
5.6. Материалларга эҳтиёжни ҳисоблаш.....	60
5.7. Пойабзал деталларини ўртамиёна майдонини ҳисоблаймиз.....	65
5.7.1. Смена топшириғига чармга эҳтиёжини ҳисоблаш (қоплаш баланси).....	69
5.7.2. Чармга ўриндош, сунъий ва синтетик материалларга эҳтиёжни ҳисоблаш.....	72
5.7.3. Бичиш комбинацияларини танлаш ва асослаш.....	75
5.7.4. Смена топшириғига материалга эҳтиёжни ҳисоблаш.....	78
6. Ижтимоий-иқтисодий қисм.....	87
6.1. Таглиги чармдан тайёрланган эркаклар ботинкаси конструкциясини лойиҳалашни техник – иқтисодий асослари.....	87
7. Меҳнат муҳофазаси.....	100
7.1. Пойабзал махсулотлари ишлаб чиқарувчи ортиш-тушириш ва транспорт ишларини хавфсиз ташкил этиш.....	100
8. Якуний қисм.....	108
8,1. Хулоса ва таклифлар.....	108
10. Фойдаланилган адабиётлар.....	110